

ШАРҲ

Она тили ва адабиёт фани бўйича маъруза матнларини Бухоро вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти Илмий кенгаши 2006 йил 26 майнинг 4/3 қарорига асосан тасдиқланган. Ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчилари малака ошириш курсида қилинадиган маъруза матни. Маърузачи: М.Олимов – Тиллар кафедраси ўқитувчиси ф.ф.н. Маъруза 8 соатга мўлжалланган.

Мавзу: Ф О Н Е Т И К А

ФОНЕТИКА БЎЛИМИ ҲАҚИДА

«Фонетика» атамаси қадимги юнонча қўшма сўз бўлиб, аслида «товушлар қутиси» деган маънони билдиради. Илмий атама сифатида бу сўз тилшуносликнинг бир мустақил бўлими номини ифодалайди.

Фонетикада кўплаб ходисалар ўрганилади, лекин улар ичида энг муҳими 3 та:

1. Нутқ товушлари.
2. Бўғин.
3. Сўз урғуси.

Фонетикада товушлар ўрганилади, деб ҳисоблаш тўғри эмас. Чунки борлиқдаги барча товушлар физиканинг акустика деб аталган бўлимида ўрганилади. Фонетикада эса фақат нутқ товушлари ўрганилади. Нутқ товушлари деганда инсон фикр-ўйи, ҳис-туйғуси ва хоҳиш-истагини ифодалаш учун ишлатадиган товушлар тушунилади.

Товушдан каттароқ фонетик бирлик бўғин ҳисобланади. Нутқнинг бир ҳаво зарби билан айтиладиган бўлаги бўғин деб аталади. Ўзбек тилида ҳар битта бўғинда фақат биттагина унли товуш иштирок этади. Бинобарин, ўзбек тилидаги ҳар қандай сўзда бўғинлар сони унлилар сонига тенг бўлади. Европанинг бир қанча тилларида дифтонг деб аталадиган ва иккита унлининг қоришувидан ташкил топадиган товушлар бирикмаси мавжуд. Ўзбек тилининг фонетик тузилишида бундай ҳодиса учрамайди.

Урғу деганда сўздаги муайян бўғиннинг ёки гапдаги қайсидир бир бўлакнинг алоҳида таъкидлаб айтилиши тушунилади. Таърифдан ҳам кўриниб турибдики, урғунинг 2 та асосий кўриниши мавжуд:

1. Сўз урғуси.

2. Мантиқий урғу.

Сўз урғуси қайсидир бир бўғинга, тўғрироғи, ўша бўғиндаги унли товушга тушади. М.: ҳамиша, техника, дарахтлар, конституция.

Мантиқий урғу гапдаги қайсидир бир гап бўлагига тушади. Гап бўлаги эса гоҳ битта сўз билан, гоҳ бирдан ортиқ сўз билан ифодаланиши мумкин. Мантиқий урғу олган бўлак кўпинча кесимдан олдин келади. Кесимнинг ўзи мантиқий урғу олса гап бошига кўчирилиши мумкин. М.:

1. Кеча Салим самолёт билан Тошкентдан келди.
2. Кеча Салим Тошкентдан самолёт билан келди.
3. Салим Тошкентдан самолёт билан кеча келди.
4. Кеча самолёт билан Тошкентдан Салим келди.
5. Келди кеча Салим Тошкентдан самолёт билан.

Мантиқий урғу гап бўлагига тушади, дедик. Гап бўлаги эса синтактик категория. Шунинг учун ҳам мантиқий урғу грамматика деб аталган бўлимнинг синтаксис деб юритиладиган қисмида ўрганилади.

НУТҚ АЪЗОЛАРИ

Нутқ аъзоларига кўкрак қафаси, ўпка, кекирдик, товуш пайчалари, кичик тил, танглай, оғиз бўшлиғи, жағ, тиш, лаб, бурун, тил кабилар киради.

Нутқ аъзолари нутқ жараёнидаги иштирокига кўра 2 га бўлинади:

1. Фаол (актив) нутқ аъзолари: товуш пайчалари, кичик тил, тил, лаб ва пастки жағ.
2. Нофаол (пассив) нутқ аъзолари: кўкрак қафаси, кекирдик, юқори жағ, қаттиқ танглай, бурун, тиш.

ФОНОЛОГИЯ БЎЛИМИ

НУТҚ ТОВУШЛАРИНИНГ ТАСНИФИ

Нутқ товушларининг маъно фарқлашга хизмат қилувчи кўриниши фонема деб юритилади. Масалан, *из, бир, дин* сўзларидаги «и» товуши бир- биридан фарқ қилади. Улар учта товуш бўлса-да, битта фонема ҳисобланади. Фонетиканинг фонемаларни тўғривчи қисми фонология деб юритилади. Лекин мактаб, лицей, гимназия дастурлари бўйича фонемаларни оддийгина товуш деб тўғрив мумкин.

Нутқ аъзоларида ҳосил бўлиш жараёнида нутқ товушлари қандайдир тўсиқларга учраши ёки учрамаслиги мумкин. Шу жиҳатдан нутқ товушлари 2 га бўлинади:

1. Унли товушлар. Улар нутқ аъзоларида ҳеч қандай тўсиққа учрамайди.
2. Ундош товушлар. Улар нутқ аъзоларида озми-кўпми тўсиққа учрайди.

Анъанавий тилшунослигимиз хулосаларига кўра ҳозирги ўзбек адабий тилида 31 та товуш мавжуд. Шулардан 6 таси унли товуш ҳисобланади. Улар: а, о, у, ў, и, э. Адабий тилимиздаги қолган 25 та товуш ундош товуш ҳисобланади. Улар: б, в, г, д, портл. ж, сирғ. ж, з, й, к, л, м, н, нг, п, р, с, т, ф, х, ц, ч, ш, қ, ғ, х. Мавжуд 25 та ундош товуш кирилл ёзувида 23 та ҳарфий белги орқали ифодаланади. Чунки сирғ. «ж» товуши ва «нг» товуши ўзининг махсус ҳарфий ифодасига эга эмас. Сирғ. «ж» ҳам «ж» ҳарфи ёрдамида, «нг» товуши «н» ва «г» ҳарфлари ёрдамида ифодаланади.

Сирғ. «ж» товуши латинча ёзувимизда ҳам ўзининг махсус ҳарфий ифодасига эга эмас. У портловчи «ж» товуши билан бир хил шаклда ёзилади. Латинча ёзувимизда 1 та ундош товушни ифодаловчи ҳарфий бирикмалар 3 та. Улар: ng, sh, ch.

Ўзбек тилида ёки ҳозирги ўзбек тилида 6 та унли ва 25 та ундош товуш бор, деб ҳисоблаш тўғри эмас. Товушларнинг бундай миқдори фақат адабий тилимизга хос. Ўзбек тилининг турли лаҳжа ва шеваларида унлилар миқдори 10 дан ортиқ, ундошлар миқдори ҳам аслида адабий тилдагидан кўпроқ. Адабий тилимиздаги унлилар миқдорини 6 та ва ундошлар миқдорини 25 та деб белгилашда Тошкент шаҳар шеvasи асос қилиб олинган. Чунки адабий тилимиз фонетик жиҳатдан Тошкент шаҳар шеvasига асосланади. Грамматик жиҳатдан эса ҳозирги адабий тилимиз учун Фарғона водийсининг етакчи шевалари асос бўлиб хизмат қилган.

УНДОШЛАР ТОВУШЛАРИНИНГ ТАСНИФИ (КЛАССИФИКАЦИЯСИ)

Ундош товушлар қуйидаги жиҳатларга кўра тасниф қилинади:

- I. Келиб чиқиш манбаига кўра.
- II. Товуш пайчаларининг иштирокига кўра.
- III. Овознинг иштирокига кўра.
- IV. Ҳосил бўлиш ўрнига кўра.
- V. Ҳосил бўлиш усулига кўра.
- VI. Таркибига кўра.

I. УНДОШЛАРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ МАНБАИГА КЎРА ТУРЛАРИ

Келиб чиқиш манбаига кўра ундош товушлар 2 гуруҳга бўлинади:

1. Ўз қатламга мансуб ундош товушлар.
2. Ўзлашган қатламга мансуб ундош товушлар.

Тилимиздаги мавжуд 25 та ундошнинг 3 таси бошқа тиллардан ўзлашган. Улар: «ф», сирғ. «ж» ва «ц» товушларидир.

«Ф» товуши ўзбек тилига дастлаб форсий ва арабий сўзлар орқали кириб келган. М.: фан, фикр, фатво, махфий, муфти (арабий), фармон, рафтор, хафта, зарбофт (форсий).

Сирғ. «ж» товуши дастлаб форсий сўзлар орқали кириб келган. М.: мужда (хушхабар), аждар, гижда.

Бу икки товуш, яъни «ф» ва сирғ. «ж» XIX аср охирларидан бошлаб русча-интернационал сўзлар орқали ҳам кириб кела бошлади. М.: фабрика, буфет, конфет, фуфайка, гараж, жирафа, журнал, дубляж, репортаж, пейзаж. «Ц» товуши тилимизга фақат русча-интернационал сўзлар орқали кириб келган. М.: конституция, конференция, интуиция, лицей.

Тилимиздаги қолган 22 та ундош товуш ўз қатламга мансуб, яъни улар ўзбек тилининг ўзида азалдан мавжуд бўлган. Лекин фақат «в» товушининг 2 та варианты мавжуд. Лаб-лаб товуши ҳисобланган «в» ўз қатламга мансуб, «в» товушининг лаб-тиш варианты эса арабий ва русча-интернационал сўзлардагина учрайди. М.: ватан, ва, вагон, валюта.

II. УНДОШ ТОВУШЛАРНИНГ ТОВУШ ПАЙЧАЛАРИ ИШТИРОКИГА КЎРА ТУРЛАРИ

Товуш пайчаларининг иштирокига кўра ҳам ундош товушлар аввало 2 га бўлинади:

1. Жарангли.
2. Жарангсиз.

Жарангли ундошларни талаффуз қилишда товуш пайчалари таранг тортилади, умуман, бунда товуш пайчалари фаол иштирок этади. Жарангсиз ундошларни талаффуз қилишда эса товуш пайчалари сустроқ иштирок этади.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида қуйидаги 14 та жарангли ундош мавжуд: б, в, г, д, ж, сирғ. ж, з, й, л, м, н, нг, р, ғ. Қолган 11 та ундош товуш эса жарангсиз ундош ҳисобланади. Улар: к, п, с, т, ф, х, ц, ч, ш, қ, ҳ.

Саккизта жарангли ундош товуш ўзининг жарангсиз жуфтига эга. Улар қуйидагилардир: б – п, в – ф, г – к, д – т, ж – ч, сирғ. ж – ш, з – с, ғ – қ.

Қуйидаги жарангли товушлар жарангсиз жуфтига эга эмас: й, м, н, нг, р, л. Қуйидаги 3 та жарангсиз ундош эса жарангли жуфтига эга эмас: х, ц, ҳ.

III. УНДОШ ТОВУШЛАРНИНГ ОВОЗНИНГ ИШТИРОКИГА КЎРА ТАСНИФИ

Ундош товушлар овознинг иштирокига кўра ҳам 2 гуруҳга бўлинади:

1. Сонорлар: м, н, нг, л, р (мининглар).
2. Шовқинлилар: қолган 20 та ундош шовқинлиларга киради.

Сонорлар таркибида ун шовқинга нисбатан каттароқ мавқе эгаллайди. Улар ўз жарангдорлигига кўра унли товушларга яқин туради.

Шовқинли ундошларда эса шовқин унга нисбатан каттароқ мавқе эгаллайди.

IV. УНДОШ ТОВУШЛАРНИНГ ҲОСИЛ БЎЛИШ ЎРНИГА КЎРА ТАСНИФИ

Мавжуд 25 та ундош товуш бўғиз зонасида, тил зонасида ёки лаб зонасида ҳосил бўлади. Бинобарин, бу жиҳатдан ундошларни энг аввало 3 га бўлиш мумкин:

1. Бўғиз ундоши.
2. Тил ундошлари.
3. Лаб ундошлари.

Бўғиз ундоши, яъни бўғизда ҳосил бўладиган ундош «ҳ» товушидир. Тил ёки тил-тиш ундошлари ўз ичида 3 гуруҳга бўлинади:

1. Тил олди ундошлари. Булар тилнинг олд қисмида ҳосил бўлади. Уларни ҳосил қилиш учун тилнинг учи юқоридаги тишларимизга ёки милкка томон ҳаракатланади. Тил олди ундошларига қуйидагилар киради: д, н, т, с, з, ш, ж, сирғ. ж, ч, р, л.

2. Тил ўрта ундоши «й» товушидир Уни ҳосил қилиш учун тилнинг ўрта қисми юқори танглайга томон ҳаракатланади.

3. Тил орқа ундошлари. Уларни ҳосил қилиш учун тилнинг орт қисми юқори танглайга томон ҳаракатланади. Улар ўз ичида яна 2 га бўлинади:

А. Саёз тил орқа: к, г, нг.

В. Чуқур тил орқа: қ, ғ, х.

Лаб ундошлари ҳам ўз ичида 2 га бўлинади.

1. Лаб-лаб ундошлари: б, м, б, п, лаб-лаб в.

2. Лаб-тиш ундошлари: ф, лаб-тиш в.

V. УНДОШ ТОВУШЛАРНИНГ ҲОСИЛ БЎЛИШ УСУЛИГА КЎРА ТАСНИФИ

Ҳосил бўлиш усулига кўра ёки айтилиш усулига кўра ҳам ундошлар 2 га бўлинади:

1. Портловчи: б, ғзлашган в, г, д, ж, к, м, н, нг, п, т, ц, ч, қ (14 та).

2. Сирғалувчи: в, сирғ. ж, з, й, л, р, с, ф, х, ш, ғ, х (12 та).

Ҳосил бўлиш усулига кўра баъзи товушлар айрим ўзига хосликларга эга. М-н, «р» товуши титроқ товуш ҳисобланади. Шунинг учун уни шартли равишдагина сирғалувчи деб ҳисоблаш мумкин. «Л» товуши эса сирғалувчиларга киради. Лекин ҳаво оқими тилнинг икки томонидан сирғалиб чиқади. Шунинг учун ҳам у ён товуш деб юритилади.

VI. УНДОШ ТОВУШЛАРНИНГ ТАРКИБИГА КЎРА ТУРЛАРИ

Ундош товушлар таркибига кўра ҳам 2 га бўлинади:

1. Якка ундошлар.

2. Қоришиқ ундошлар ёки аффрикатлар.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида 3 тагина аффрикат мавжуд:

1. Портловчи ж → д + сирғ. ж.

2. Ч → т + ш.

3. Ц → т + с.

Аффрикатлар 2 та ундош товушнинг чамбарчас тарзда бирикиб кетишидан ҳосил бўлади. Қолган 22 та ундош якка ундош ҳисобланади. Улар таркибига кўра соддадир.

УНЛИЛАР ТАСНИФИ

Унли товушлар 3 жиҳатдан тасниф қилинади:

1. Тилнинг горизонтал ҳолатига кўра.

2. Тилнинг вертикал ҳаракатига кўра.

3. Лаблар иштирокига кўра.

I. Тилнинг горизонтал ҳолатига кўра унлилар 2 га бўлинади:

1. Тил олди унлилари: а, и, э. Бу унлиларни талаффуз қилиш вақтида тил танглай устида ястаниб ётади, унинг учки қисми пастки тишларга ёки милкка тегиб туради. Ҳаво оқими тилнинг олд қисмидан атмосферага эркин чикиб кетади.

2. Тил орқа унлилари: о, у, ў. Бу товушларни талаффуз қилиш вақтида тил ўзининг иссиқ ўрнидан қўзғалиб оғиз бўшлиғида муаллақ туради.

II. Тилнинг вертикал ҳаракатига кўра унли товушлар 3 га бўлинади:

1. Кенг унлилар: а, о.

2. Ўрта кенг унлилар: ў, э.

3. Тор унлилар: и, у.

Яъни унлиларнинг бир қисмини талаффуз қилиш вақтида нутқ аъзолари кенгрок, баъзиларида ўрта кенг, баъзиларида торроқ очилади.

III. Лаблар иштирокига кўра ҳам унлилар 2 га бўлинади:

1. Лабланган (ёки лабланиган) унлилар: у, ў, тожик тили таъсиридаги шеваларда о товуши.

2. Лабланмаган (ёки лабланимаган) унлилар: а, адабий тилдаги о, и, э.

Кирилл ёзувида биз товушлар таснифида кўриб ўтмаган 4 та ҳарф бор. Улар тилшуносликда «ё»лашган унлилар деб юритилади. Лекин улар товуш ҳисобланмайди. Яъни тилимизда «е» деган, «ё» деган, «я» деган, «ю» деган товуш йўқ. Бу ҳарфлар 2 та товушни ифодалайди:

е = й + э

ё = й + о

я = й + а

ю = й + у

Иккита товушни билдирувчи ҳарфлар жаҳон тилшунослигида графема деб юритилади.

НУТҚ ТОВУШЛАРИ ТАВСИФНОМАСИ

1. а – тил олди, кенг, лабланмаган.
2. о – тил орқа, кенг, лабланмаган.
3. э – тил олди, ўрта кенг, лабланмаган.
4. ь – тил орқа, ўрта кенг, лабланган.
5. у – тил орқа, тор, лабланган.
6. и – тил олди, тор, лабланмаган.
7. п – лаб-лаб, портловчи, жарангсиз.
8. б – лаб-лаб, портловчи, жарангли.
9. в – лаб-лаб, сирғ., жарангли (лаб-тиш, портловчи варианты ҳам бор).
10. ф – лаб-тиш, сирғалувчи, жарангсиз.
11. м – лаб-лаб, бурун, сонор, портловчи, жарангли.
12. т – тил олди, портловчи, жарангсиз.
13. д – тил олди, портловчи, жарангли.
14. н – тил олди, бурун, сонор, портловчи, жарангли.
15. с – тил олди, сирғалувчи, жарангсиз.
16. з – тил олди, сирғалувчи, жарангли.
17. ш – тил олди, сирғалувчи, жарангсиз.
18. ж (дж) – тил олди, коришиқ, портловчи, жарангли.
19. ж – тил олди, сирғалувчи, жарангли.
20. ч – тил олди, коришиқ, портловчи, жарангсиз.
21. ц – тил олди, коришиқ, портловчи, жарангсиз.
22. л – тил олди, сонор, сирғалувчи, жарангли.
23. р – тил олди, сонор, титроқ, жарангли.
24. й – тил ўрта, сирғалувчи, жарангли.
25. к – яқин (саёз) тил орқа, портловчи, жарангсиз.
26. г – яқин (саёз) тил орқа, портловчи, жарангли.
27. нг – яқин (саёз) тил орқа, бурун, портловчи, жарангли.
28. қ – чуқур тил орқа, портловчи, жарангсиз.
29. ғ – чуқур тил орқа, сирғалувчи, жарангли.
30. х – чуқур тил орқа, сирғалувчи, жарангсиз.
31. ҳ – бһғиз, сирғалувчи, жарангсиз.

СИЛЛАБИКА БЎЛИМИ

Б Ў Ё И Н

Фонетиканинг товушдан каттароқ бирлиги бўғин саналади. Нутқнинг бир ҳаво зарби билан айтиладиган бўлаги бўғин деб аталади. Тилдаги сўзлар бир бўғинли ёки кўп бўғинли бўлиши мумкин.

Бўғинлар асосан бир жиҳатдан тасниф қилинади. Яъни улар очик ва ёпиқ бўғинларга ажратилади. Унли билан тугайдиган ёки битта унлининг ўзидан иборат бўлган бўғинлар очик бўғин деб юритилади. Ундош билан тугайдиган бўғинлар эса ёпиқ бўғин деб юритилади.

Бўғиндаги товушлар таркибини латинча *vokal* (унли) ва *consonant* (ундош) атамаларининг бош ҳарфлари асосида қуйидагича ифодалаш мумкин:

1. V (у, э).
2. VC (ов, иш).
3. CV (ва, бу).
4. CVC (гул, тош, жон).
5. CVCC (тўрт, қирқ).
6. CCVC (стол, стул).
7. CCVCC (спорт, старт).
8. VCC (онт, ахд, аср).
9. CCCCCVC (Мкртчян).
10. CCV (спиритуализм).

Бўғиннинг амалий аҳамияти қуйидагиларда кўзга ташланади:

1. Болалар ўқиш ва ёзишга бўғин орқали ўргатилади (О-лим ол-ма ол-ди).
2. Сўзларнинг бир сатрга сиғмай қолган қисми бўғин асосида 2-сатрга кўчирилади.
3. Кўпгина шеъринг вазнлардаги сўзлар бўғин асосида муайян тенгликда жойлаштирилади.

Ўзбек шеъриятида бу ҳолат бармоқ ва аруз вазнларида кўзга ташланади. Улардаги мисралар ҳижола сониға кўра тенг бўлади. Ҳижо эса бўғин билан чамбарчас боғлиқ.

Сўзларни бўғинга ажратишда «нг» ҳарфлар бирикмаси бир қанча қийинчиликлар келтириб чиқариши мумкин. Чунки у тонг, жаранг, тингламоқ, манглай, янгра каби сўзларда битта товушни сенга, менга, синган, кўринган каби сўзларда эса 2 та товушни билдиради. Мазкур «нг» товуши 2 та унли орасида келса кейинги бўғинга ўтади. М.: кў-нгил, си-нгил, бор-ди-нгил, а-ла-нга. Бир унли ва бир ундош орасида келган «нг» товуши олдинги бўғинда қолади. М.: кўнг-лим, синг-ли-си, янг-ра, сўнг-ра. Битта товушни билдирган «ng» ҳарфлар бирикмасини бўғинга ажратишда 2 га бўлиш мумкин эмас. Фақат арузда вазн талабига кўра у баъзан ажратилади, лекин арузда мисра бўғинга эмас, ҳижога ажратилади. М.:

Бир сў-роқ-лаб кел-ма-дин-гиз,

Зор-ли-гим-ни бил-ма-дин-гиз.

Иккита товушни билдирган «нг» ҳарфлар бирикмаси бўғинга ажратишда 2 га бўлинади: сен-га, кўн-ган... Русча-интернационал сўзларнинг бир қисмида ҳам «нг» ҳарфлар бирикмаси 2 та товушни билдиради ва шунинг учун ҳам 2 га ажралади. М.: кон-гресс, ин-глиз, ин-гре-ди-ент.

Сўзларни бўғинга ажратиш билан бўғин кўчириш бир нарсаси эмас. Бўғин кўчириш вақтида битта ҳарф билан ифодаланадиган бўғин олдинги сатрда ҳам қолмайди, кейинги сатрга ҳам ўтмайди. М.: о-на, о-та, у-чун, и-лон, э-шик. Кирилл ёзувида эса е-лим, я-ша, ё-гий, ю-туқ, го-я каби сўзлар ҳам бўғинга ажратилади, лекин бўғин кўчирилмайди.

ТОНИКА БЎЛИМИ

СЎЗ УРҒУСИ

Маълумки, сўздаги бирор бўғиннинг бошқаларига нисбатан кучлироқ айтилиши сўз урғуси деб аталади. Сўз урғуси қайсидир бир бўғинга, яна ҳам аниқроғи, ўша бўғиндаги унли товушга

тушади. Бир бўғинли сўзларнинг урғуси ҳақида гапириш ортиқча. Сўз урғуси фақат бир неча бўғинли сўзларга тааллуқли ҳодисадир.

Сўзларнинг қайси ўрнига тушишига кўра урғу 2 турга ажратилади:

1. Эркин урғу.
2. Турғун урғу.

Европа тилларининг деярли ҳаммасига эркин урғу хосдир, яъни улардаги сўзларнинг гоҳо биринчи, гоҳо иккинчи, гоҳо учинчи ва ҳоказо бўғинига урғу тушиши мумкин.

Туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида турғун урғу мавжуд. Яъни ўзбек тилида урғу одатда сўзларнинг охири бўғинига тушади. Сўзга турли қўшимчалар қўшилса ҳам, урғу охири бўғинда пайдо бўлаверади. М.: чироқ, чироқлар, чироқларим, чироқларимиз, чироқларимиздан. Лекин ўзбек тилида эркин урғунинг элементлари мавжуд. Фақат бундай урғу ўзлашган сўзлардагина учрайди. М.: трактор, директор, конституция, конфигурация, оксиморон.

Ўзлашган сўзга туркий тилнинг қўшимчалари қўшилса, бир сўзда 2 та урғу пайдо бўлиши мумкин, бунда сўз ичидаги урғуни иккиламчи урғу деб, сўз охиридаги урғуни эса бирламчи урғу деб оламиз. М.: тракторга, директорга, конституциямизни, оксиморонга.

Шаклан бир хил бўлган кўпгина сўзларда урғу маъно фарқлаш вазифасини бажариши мумкин. М.: этик кийди – этик (ахлокий) масалалар, академик И.Мўминов – академик лицей, кишлоқча кўринди – боғнинг майдони битта кишлоқча келади.

Жуфт ва такрорий сўзларнинг ҳар бир қисми алоҳида урғусига эга бўлади. М.: бозор-ўчар, чаман-чаман, алғов-далғов. Лекин жуфт ва такрорий сўзлар қандайдир қўшимчани қабул қилса, урғу сўз охирига кўчади ва биринчи қисми ўз урғусини йўқотади. М.: бозор-ўчарга, казо-казолар, ака-укалардан.

ТОВУШ ЎЗГАРИШЛАРИ

Оғзаки нутқ жараёнида кўпгина товушлар турли хил ўзгаришларга учраши мумкин. Бу ўзгаришларнинг бир қисми ёзма адабий тилга ҳам нтади. Тилда бир-бирига қарама-қарши бўлган тежамкорлик ва қўшалок қўллаш, бир хилликка интилиш ва ҳар хилликка интилиш, баъзи бирликларнинг ўрнини алмаштириш каби тамойиллар мавжуд. Тежамкорлик ёки экономия принципи таъсирида фақат сўз ва қўшимчалар эмас, товушлар ҳам тушиб қолиши мумкин. Товуш орттирилиши унга тескари жараён бўлиб, ўзининг конкрет сабабларига эга. Товуш алмашилиши эса умуман олганда қулайликка интилиш натижасидир.

Товуш ўзгаришлари ҳақида фикр юритганда халқнинг оғзаки нутқини, шеваларини, ҳаттоки бир шеванинг муайян вакилларига хос талаффузни ҳисобга олишимиз керак.

Сўзларнинг ёзувдаги ифодасига, адабий талаффузга эътибор қиладиган бўлсак, товуш ўзгаришларини тўлиқ ўрганолмаймиз. Масалан, куйидаги сўзларнинг дарё – дайро, дунё – дуйно, тупроқ – турпоқ каби кўринишлари оғзаки тилда учраб туради. Сўз ўртасидаги ундош товушларнинг бу хилда ўрин алмашилиши фанда метатеза деб аталади. Лекин фақат адабий тилга эътибор қаратадиган бўлсак бу ҳодисани ўрганолмай қолишимиз мумкин.

Навбатдаги муҳим масала ўша фонетик ўзгаришларнинг сабабларини аниқлашдир. М.: қатор туркий тилларда «р» товуши билан бошланувчи сўзлар олдидан битта унли товуш орттирилади. М.: рус – урус // ўрис, рўза – ўраза, Раҳимжон – Ирайимжон. Сўз олдидан бу хилда унли товушнинг орттирилиши фанда протеза деб юритилади. Бу ҳодисанинг сабаби тилшуносларни аввалига анча ўйлантирган, кейинроқ шу нарсани аниқлан-ганки, бирорта ҳам асл туркий сўз «р» товуши билан бошланмас экан. Сўзни «р» товуши билан бошлаш туркий тилнинг артикуляцион имкониятларига унчалик мос келмас экан. Ёки «станция» сўзини «истанса», «стол» сўзини «устал», «спиц» сўзининг «испис» тарзида талаффуз қилишда ҳам товуш орттирилишининг протеза деган кўриниши учрайди. Лекин буни юқоридаги сабаб билан изоҳлаёлмаймиз. Чунки, масалан, ўзбек тилида «с» товуши билан бошланувчи асл туркий сўзлар мавжуд. Бунинг сабаби шуки, асл туркий сўзларда бирорта ҳам бўғин 2 та ундош билан бошланмайди. Шунинг учун қайси бир ўзлашган сўздаги бўғин иккита ундош билан бошланса, туркийлар унинг олдидан ёки ўртасидан битта унли товуш орттириб айтади.

Товуш ўзгаришлари уч турга бўлинади:

1. Товуш ортиши.
2. Товуш тушиши.
3. Товуш алмашиниши.

Товушларнинг шунчаки ўрнини алмаштириши ҳам товуш алмашиниши ҳодисасига киради.

Товуш ўзгаришларининг сабаблари ниҳоятда хилма-хил, лекин шу сабабларнинг катта қисмини 2 та бош сабабга олиб бориб боғлаш мумкин:

1. Товуш ўзгаришлари бошқа тиллардан ўзлашган сўзларда кўпроқ кўзга ташланади. Тилларнинг артикуляцион имкониятлари бир-биридан фарқ қилади. Кўпинча янги ўзлашган сўзни талаффуз қилиш вақтида ҳар бир киши ўз тилининг фонетик имкониятларидан келиб чиқади ва сўзни шу имкониятларга мос тарзда талаффуз қилади.

2. Товуш ўзгаришлари ўз қатламга мансуб сўзларга турли қўшимчалар қўшилган вақтда ҳам рўй бериши мумкин. М.: чирок – чироғим, истак – истаги, қўнғирок – қўнғирокқа, кечик – кечиккан, қад – қадди, бўғиз – бўғзи. Бу ҳолатлар умуман олганда қулайликка интилиш тамойили билан боғлиқ.

ТОВУШ ОРТТИРИЛИШИ

Товуш ортиши ҳодисаси ўзбек тилида сўз бошида ҳам, сўз ўртасида ҳам, сўз охирида ҳам кўзга ташланади. Сўз бошида товуш орттирилиши протеза деб юритилса, сўз ўртасида товуш орттирилиши эпентеза деб, сўз охирида товуш орттирилиши эса эпитеза деб юритилади.

Ўзбек тилида унли товушнинг орттирилиши ҳам, ундош товушнинг орттирилиши ҳам кўзга ташланиб туради. Лекин фақат унли товуш сўзнинг исталган ўрнида (сўз бошида, сўз ўртасида, сўз охирида) орттирилиши мумкин, ундош товуш эса кўпроқ сўз ўртасида орттирилиши мумкин. М-н:

Протеза: рус – ўрис, штраф – иштароф, арра – ҳарра.

Эпентеза: аср – асир, қаср – қасир, фикр – фикир, ҳукм – ҳукум, доим – дойим, шоир – шойир, Саида – Сайида, соат – соват.

Эпитеза: банк – банка, танк – танка, киоск – киоска.

ТОВУШ ТУШИШИ

Товуш тушиши ҳодисаси ҳам ўзбек тилида сўзнинг ҳар учала ўрнида кўзга ташланади. Сўз бошида товуш тушиши прокопа деб, сўз ўртасида товуш тушиши синкопа деб, сўз охирида товуш тушиши эса апакопа деб юритилади. Ўзбек тилида ўрни билан унли товуш ҳам, ундош товуш ҳам тушиб қолиши мумкин. М.: Прокопа: йигит – игит, йирик – ирик, ёғоч – оғоч, йилон – илон.

Синкопа (бунда товуш бутунлай тушиб қолмасдан ниҳоятда қисқа талаффуз қилиниши ҳам мумкин): директор – директр, оператор – оператр.

Апакопа (бу ҳодиса нисбатан кўпроқ учрайди): гўшт – гўш, дарахт – дарах, баланд – балан, Самарқанд – Самарқан, оллоҳ – олло.

ТОВУШ АЛМАШИНИШИ

Товуш алмашиниши ҳам ўзбек тилида сўзнинг ҳар учала ўрнида кўзга ташланади. Сўз бошида товуш алмашиниши фабрика – пабрика, Фотима – Потима, цех – сех каби сўзларда кўришимиз мумкин. Бу ердаги товуш алмашинишлари «ф» ва «ц» товушларнинг аслида туркий тилида бўлмаганлиги билан боғлиқ. Сўз ўртасида товуш алмашиниши Тоҳир – Тойир, Моҳира – Мойира каби сўзларда кўзга ташланади. Сўз охирида товуш алмашинишга «б» ва «д» ундошлари билан тугаган сўзларнинг охириги товушини «п» ва «т» тарзида талаффуз қилинишида кўришимиз мумкин. М.: китоб – китоп, мактаб – мактап, авлод – авлот, Фарход – Фарҳот.

Товуш алмашинишлари товушларнинг бир-бирига таъсири натижасида ҳам рўй беради. Бунда бир хилликка интилиш ва бир хилликдан қочиш тамойиллари асосий роль ўйнайди.

Бир хилликдан қочиш тамойили таъсирида сўз таркибидаги 2 та бир хил товушнинг биттаси бошқа товуш билан алмашинади. Бу ҳодиса диссимилияция деб юритилади. Ўзбек тилида диссимилияция ҳодисаси асосан «р» ва «л» товушлари қўшалок келган сўзларда кузатилади. М.: коридор – калидор, зарур – зарил//залур, бирорта – биронта, ҳалол – ҳалор.

Бир хилликка интилиш натижасида товуш алмашиниши ассимиляция деб юритилади. Бу ҳодиса ўзбек тилида ниҳоятда кенг тарқалган. Олдинги ва кейинги товушнинг қайси бири кучли чиқишига кўра ассимиляция 2 турга бўлинади:

- 1) прогрессив;
- 2) регрессив.

Прогрессив ассимиляцияда олдинги товуш ғолиб чиқади ва кейингисини бутунлай ёки қисман ўзига ўхшатиб олади. М.: чиққан, ўтти, ичкан (талаффуз).

Регрессив ассимиляцияда кейинги товуш кучлилик қилиб, олдинги товушни ўзига бутунлай ёки қисман мослаштириб олади. М.: йигитча – йигичча, сутчи – суччи, ёзсин – ёссин, тузсиз – туссиз, божхона – бочхона.

Ассимиляцияни товуш алмашинишининг даражасига кўра яна 2 турга ажратиш мумкин:

1. Тўлиқ ассимиляция: терак+га – теракка, чиниқ+ган – чиниққан.
2. Нотўлиқ ассимиляция: ишга – ишка, ўчган – ўчкан.

Фақат шуниси борки, ассимиляция ва диссимилияция ундош товушларнинг бир-бирига таъсирини ўз ичига олади. Унли товушларнинг бир-бирига таъсири натижасида келиб чиқадиган товуш алмашинишлари сингармонизм деб аталади.

Бу ҳодиса туркий тилларда кенг тарқалган, фақат ҳозирги ўзбек адабий тили сингармонизм ҳодисасини йўқотган. Лекин ҳозирги ўзбек абадий тилида сингармонизмнинг айрим қолдиқлари мавжуд. Сингармонизмнинг 2 та кўриниши мавжуд:

1. Лаб гармонияси (лабиал сингармонизм).
2. Танглай гармонияси (палатал сингармонизм).

Лабиал сингармонизм таъсирида сўзнинг биринчи бўғинидаги лабланган унли 2-бўғиндаги унлини ҳам лабланган унлига айлантириши мумкин. М.: муҳим – муҳум, тушимда – тушумда, Муқимий – Муқумий.

Палатал сингармонизм таъсирида унли товушлар чўзиқ-қисқалиги, юмшоқ-қаттиқлиги, кенг-торлигига кўра бир-бири билан мослашади. М.: от-им – отим (отым), ин-и – ини.

Лабиал сингармонизм қолдиқлари ёзма адабий тилимизда ҳам қисман сақланган. М.: терим, йигим – унум, тузум.

Палатал сингармонизм эса ёзма адабий тилимизда сақланмаган.

Тилимизда унли товушлар билан боғлиқ яна бир фонетик ҳодиса мавжуд. Сўз ўртасида 2 хил унли ёнма-ён келса, талаффузда улардан бири тушиб қолиши мумкин. Бу ҳодиса синерезис деб аталади. М.: саодат – содат, маориф – мориф, муомала – момила.

Тилда унли билан боғлиқ редукция деб юритиладиган ҳодиса ҳам мавжуд. У синкопа ҳодисасига яқин туради. Редукция деганда унли товушнинг қисқариши тушунилади. Яъни чўзиқ унли талаффузда қисқа унлига айланади. Сўз охирида ўша унли қисқариб эшитилмас даражага тушиб қолиши ҳам мумкин. М.: шеър – шер, таъм – там, стартер – стат(и)р.

ИЛОВА:

1. Ўрнимдан туриб уй эшигини очсам, ўғлим билан ўртоғи совукдан қулоғи, бурни қизариб кетган ҳолда кулиб турарди. Нечта товуш ёзгариши бор? Жавоб: 3 товуш тушиши, 4 та товуш алмашиниши.

2. Айрим икки бўғинли сўзларга эгалик қўшимчаси қўшилганда, уларнинг сўнгги бўғинидаги қайси унли товушлар тушиб қолади? Жавоб: а, у, и.

3. Сув ичсам ҳам, чанқоғим босилмади. Ушбу гапдаги «чанқоғим» сўзи қандай фонетик ўзгаришлар натижасида ҳосил бўлган? Жавоб: 2 та товуш алмашиниши.

Синтаксис

Синтаксис ҳақида тушунча

Синтаксис юнонча сўз бўлиб, «тузиш» деган маънони билдиради. У тилшуносликнинг мустақил бўлими эмас, балки грамматиканинг бир бўлагидир. Синтаксисда асосан қуйидаги масалалар ўрганилади:

1. Гап бўлаклари ва улар билан грамматик алоқага киришмайдиган қисмлар.
2. Сўз бирикмаси ва унинг турлари.
3. Гап ва унинг турлари.

Синтаксисда гапни ташкил этувчи қисмлар ўртасидаги синтактик алоқалар ва синтактик муносабатлар ҳам ўрганилади.

Гап бўлаклари:

1. Эга.
2. Кесим.
3. Тўлдирувчи.
4. Аниқловчи.
5. Ҳол.

Улар ўртасида синтактик алоқа мавжуд. Ундалмалар ва кириш бўлаклар (кириш сўз, кириш бирикма, кириш гап) гап бўлаклари билан синтактик алоқага киришмайди. Улар билан гап бўлаклари орасида синтактик муносабат мавжуд.

СЎЗ БИРИКМАСИ

Сўзлар ўзаро бир-бири билан 2 хил йўл билан боғланиши мумкин:

I. Тенг боғланиш.

II. Тобе боғланиш.

Сўзларнинг тенг боғланишидан тенг боғланишли сўз қўшилмаси ҳосил бўлади. У гапда уюшиқ бўлак бўлиб келади. Сўзларнинг тобе боғланишидан сўз бирикмаси, эга ва кесимдан иборат бўлган гап ва кўмакчи феълли сўз қўшилмаси ҳосил бўлади. Масалан: оқ пахта (1-сўз тобе, 2-си ҳоким), куш сайради (кесим эгага тобе), ўқиб чиқдим (кўмакчи феъл етакчи феълга тобе), гўзаллик ва яхшилик (иккаласи тенг), китоб, дафтар ва қалам (ҳаммаси ўзаро тенг боғланган).

Ўзаро бир-бири билан тобе боғланган, бири иккинчисини изоҳлайдиган, нисбий тугал фикрни билдирмай, предмет-ҳодиса, белги, миқдор ёки иш-ҳаракатни изоҳи билан биргаликда номлайдиган, икки ёки ундан ортиқ мустақил сўздан ташкил топадиган сўзлар қўшилмаси сўз бирикмаси деб аталади.

Сўз бирикмасини қуйидаги ҳодисалардан фарқлаш керак:

- 1) гапдан;
- 2) иборадан;
- 3) қўшма сўздан;
- 4) тенг боғланишли сўз қўшилмасидан;
- 5) кўмакчи феълли сўз қўшилмасидан;
- 6) ёрдамчи сўз билан келган мустақил сўздан;
- 7) ёнма-ён келган, бир-бирини изоҳламайдиган 2 мустақил сўздан.

I. Гап нисбий тугал фикрни билдиради, яъни предикатив функцияни бажаради. Сўз бирикмаси аташ хусусиятига эга, яъни номинатив функцияни бажаради. Масалан: оқ девор, қизил гул, генерал Раҳимов, темир эшик (сўз бирикмаси); девор оқ, гул қизил, Раҳимов – генерал, эшик – темир (гап).

II. Иборалар сўз бирикмасига шаклан ўхшаши мумкин, лекин улар, биринчидан, турғун бирикма ҳисобланади. Улардаги сўз ва қўшимчаларни синонимлари билан алмаштириш мумкин эмас. Сўз бирикмаси эса эркин бирикма ҳисобланади. Иккинчидан, ибора одатда 1 та мустақил тушунчани билдиради, сўз бирикмасида эса камида иккита мустақил тушунча бўлади. Масалан: ҳолдан тоймоқ – чарчамоқ; оёғини қўлига олиб – тез; тепа сочи тикка бўлмоқ – ғазабланмоқ; тарвузи қўлтиғидан тушмоқ – умидсизланмоқ.

III. Қўшма сўз 1 та тушунчани ифодалайди. Масалан: гултожихўроз – 1 та ўсимлик; Ўрта Осиё – 1 та регион, АҚШ – 1 та мамлакат; гўзал Франция – сўз бирикмаси, 2 та тушунча.

IV. Тенг боғланишли сўз қўшилмасидаги сўзлар тобе боғланмаганлиги билан сўз бирикмасидан фарқ қилади. Масалан: гўзаллик ва яхшилик; Карим, салим ва Ҳалим.

V. Кўмакчи феълли сўз қўшилмасида 1 та мустақил тушунча мавжуд. Масалан: ёзиб тур, исиб кетди, тўхтаб қолди.

VI. Ёрдамчи сўз билан келган мустақил сўзда 1 та мустақил тушунча мавжуд, шунинг учун у сўз бирикмаси бўла олмайди. Масалан: соҳил бўйлаб, қобилятига яраша, сен учун, биз каби, атиги 3 та, фақат сен, қалам билан, шунинг учун барвақт, чунки келмади.

VII. Ёнма-ён келган 2 мустақил сўз бир-бирини изоҳламаслиги, ўзаро тобе боғланмаган бўлиши мумкин. Уларни сўз бирикмаси деб ҳисоблай олмаймиз, чунки сўз бирикмасида сўзлар тобе боғланади ва бир-бирини изоҳлайди. Масалан: бугун мактабда, мен китобни, сен кеча – булар сўз бирикмаси эмас, балки шунчаки ёнма-ён келган икки мустақил сўз.

СЎЗ БИРИКМАЛАРИНИНГ БИРИКИШ УСУЛИГА КЎРА ТУРЛАРИ

Сўз бирикмалари бирикиш усуллариغا кўра 3 хил бўлади:

1. Мослашув – қаратқич келишиги қўшимчаси ва эгалик қўшимчалари орқали: тобе сўз+нинг + бош сўз+эгалик қўшимчалари.
 2. Битишув – фақат тартиб ва оҳанг орқали: тобе сўз + ҳоким сўз (бош сўз).
 3. Бошқарув – тушум, жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиш келишиклари қўшимчалари ёки кўмакчилар орқали: тобе (эргаш) сўз+ -ни, -га, -да, -дан, -гача, орқали, ҳақида, томон +бош сўз.
- Уюшиқ бўлакли бирикмалар сони уюшиқ бўлақлар сонига боғлиқ. Масалан: оқ, қизил ва сариқ гуллар – 3 та бирикма: оқ гул, қизил гул, сариқ гул.

СЎЗ БИРИКМАЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИГА КЎРА ТУРЛАРИ

Сўз бирикмалари тузилишига кўра 2 хил бўлади:

1. Содда сўз бирикмалари. Улар 2 мустақил тушунчадан ташкил топади. Масалан: оқ гул, унинг қалами, ручка билан ёзмоқ, қобилятига яраша баҳоламоқ, тез юрмоқ.

2. Мураккаб сўз бирикмалари. Улар 3 ва ундан ортиқ мустақил тушунчадан ташкил топади. Масалан: сочи ўрилган қиз, туз сепилган помидор, бир неча қаватли уй.

СЎЗ БИРИКМАЛАРИНИНГ БОШ СЎЗНИНГ ҚАЙСИ СЎЗ ТУРКУМИ БИЛАН ИФОДАЛАНГАНЛИГИГА КЎРА ТУРЛАРИ

Сўз бирикмалари бош сўзнинг қайси сўз туркуми билан ифодаланишига кўра 3 хил бўлади:

1. Отли бирикмалар: бош сўз от, сифат, сон, олмош, ҳаракат номи, тақлид, модал ва ундов сўзлар билан ифодаланади. Масалан: катта бино, ҳаммадан яхши, ўқувчиларнинг барчаси, ишнинг ярми(си), интизомда биринчи, эрталаб югуриш, кушларнинг чуғур-чуғури, соғлиқнинг бори, беморнинг оҳ-воҳи.

2. Феълли бирикмалар: феълнинг тусланишли шакллари ҳамда ҳаракат номи, сифатдош, равишдош шакллари буларда бош сўз бўлиб келади. Масалан: мактабда ўқиган, романни ўқиб, кўчада кўрдим, Бухорода яшаймиз.

3. Равишли бирикмалар: бунда равиш бош сўз бўлиб келади. Масалан: шамолдан тез, ҳар кунгидек барвақт, сочдан ҳам кўп.

NB: Ҳаракат номининг отли бирикма ёки феълли бирикма ҳосил қилиши унинг сўроғидан аниқланиши мумкин.

СЎЗ БИРИКМАЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИК СТРУКТУРАСИ

МОСЛАШУВ:

1. От + от: дарахтнинг барги.
2. От вазифасидаги олмош + от: менинг китобим.
3. Ҳаракат номи + от: тортишувнинг охири.
4. От + от вазифасидаги олмош: ўқувчининг ўзи.
5. От + ҳаракат номи: машинанинг тўхташи.
6. От вазифасидаги олмош + от вазифасидаги олмош: унинг ўзи.
7. Ҳаракат номи + ҳаракат номи: хайрлашувнинг бошланиши.
8. От ёки от вазифасидаги сўзлар + отлашган сўзлар: отнинг яхшиси, унинг ўқигани, болалардан бири, кушларнинг чуғур-чуғури, соғлиқнинг бори, шакарнинг ози, китобнинг энг кераги, беморнинг оҳ-воҳи.

БИТИШУВ:

1. Сифат + от (ёки от вазифасидаги сўз): қизил гул, оқ бино.
2. Сифат вазифасидаги олмош + от: шу иш, бу китоб.
3. Сифат вазифасидаги равиш + от: анча одам, кам китоб.
4. Сифатдош + от: югурган киши, оқар сув.
5. Равиш + феъл: тез югурмоқ, бирдан тўхтамоқ.
6. Равиш вазифасидаги сифат + феъл: яхши қўйламоқ, дардли хўрсинди.
7. Равишдош + феъл: иккиланиб сўради.
8. Равиш вазифасидаги олмош + феъл: қачон келди?
9. Белгини билдирадиган, кўмакчили ёки функционал шакллардаги отлар + от ёки от вазифасидаги сўзлар: нур каби пок, уйдаги китоб, тоғдай юрак.
10. Белгини билдирадиган, кўмакчили ёки функционал шаклдаги отлар ёки от вазифасидаги сўзлар + феъл: ҳамма каби ўйламоқ, ҳаммадай ўйламоқ.

БОШҚАРУВ:

1. От + феъл: ишдан қайтган, уйга келган, кўчада юрган.
2. От вазифасидаги олмош + феъл: ундан сўрамоқ, кимга айтай.
3. Ҳаракат номи + феъл: жаврамоқдан чарчади.
4. Отлашган сўзлар + феъл: яхшига ёндаш.
5. От ёки от вазифасидаги сўз + от ёки от вазифасидаги сўз: паранжига хужум, сендан эсдалик.
6. От ёки от вазифасидаги сўз + сифат: болдан ширин.
7. От ёки от вазифасидаги сўз + сон: улардан бири.
8. От ёки от вазифасидаги сўз + равиш: ҳаммадан олдин, кетишга барвақт.
9. От ёки от вазифасидаги сўз + модал сўз: ишда йўқ, арралашга керак.


Предмет маъносини билдирувчи сўзлар предмет маъносини билдирувчи сўзлар билан мослашув йўли орқали осонгина бирикади.

Белги ва микдорни билдирувчи сўзлар предметни ёки иш-ҳаракатни билдирувчи сўзлар билан битишув йўли орқали бирикади.

От ва от вазифадаги сўзлар феъллар билан одатда бошқарув йўли орқали бирикади. От, сифат, сон, равиш, олмош, ҳаракат номи, ундов, тақлид ва модал сўзлар бошқаруви ҳам оз бўлса-да учраб туради. Лекин бошқарувда тобе муча (қисм) вазифада ҳар доим от ёки от вазифадаги сўзлар келади. Ҳоким муча феъл бўлиши ҳам мумкин, от ва от вазифадаги сўзлар бўлиши ҳам мумкин.

ГАП БЎЛАКЛАРИ

Гап аслида 7 та қисмдан иборат бўлиши мумкин. Шулардан 5 таси гап бўлаклари деб юритилади. Қолган 2 таси гап бўлаклари билан грамматик алоқага киришмайдиган қисмлар дейилади.



1. Кириш сўз – Майли, бораман.
2. Кириш бирикма – Врачнинг таъбирича, у 3 кунда тузалади.
3. Кириш гап – Ўйлаб қарасам, ҳали ҳам ишни бошлаш мумкин экан.

Сўз туркумлари билан гап бўлакларини аралаштириб юбормаслик керак. Сўз туркумлари кишининг ихтисослигига, гап бўлаклари эса унинг эгаллаган лавозимига ўхшайди. Масалан, физика ўқитувчиси оддий ўқитувчи, илмий бўлим мудир, мактаб директори каби лавозимларда ишлаши мумкин. Худди шунча ўхшаб от гапда эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол ва ундалма каби «лавозим»ларни эгаллаши мумкин.

ЭГА ВА УНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Гапда ким, нима, қаер ҳақида фикр юритилаётган бўлса, шуларни ифодаладиган бўлак эга ҳисобланади. Масалан: Солдат полни ювди – гап солдат ҳақида кетяпти, демак, солдат – эга. Пол солдат томонидан ювилди – гап пол ҳақида кетяпти, пол – эга.

От, от ўрнида қўлланувчи олмошлар, ҳаракат номи тўғридан-тўғри эга бўлиб кела олади. Масалан: Карим келди. Сиз навбатчисиз. Ҳамма йиғилди. Югуриш фойдали.

Сифат, сон, улар ўрнида қўлланувчи олмошлар, сифатдош, ундов ва тақлид сўзлар осонгина отлашиб эга вазифада келади. Масалан: Тўғри ўзади, эгри тўзади. Икковимиз келдик. Шулар ҳозирча бизга номаълум. Беморнинг оҳ-воҳи эшитилди. Сукунатни болаларнинг кий-чуви бузарди.

Ўрни билан равиш ҳам, тусланган феъл ҳам, ёрдамчи сўзлар ҳам отлашиб эга бўлиб келади. Масалан: Тез – ҳолат равиши. Келди – аниқ ўтган замон феъли. Ва – бириктирув боғловчиси.

От шаклидаги, ҳаракат номи шаклидаги иборалар ҳам эга вазифасини бажаради. Масалан: Унинг оёқ олиши бизга ёкмади.

Эга асосан бош келишидаги сўз билан, баъзан чиқиш келишидаги сўз билан ифодаланади. Масалан: Бизда бу китоблардан бор.

КЕСИМ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Кесимлар қайси сўз туркуми билан ифодаланишига кўра икки хил бўлади:

1. Феъл-кесим.
2. От-кесим.

Феъл-кесим феълнинг асосий шакллари ва сифатдош, равишдош шакллари билан ифодаланади. Феъл-кесим тузилишига кўра 2 хил бўлади:

1. Содда.
2. Мураккаб.

Масалан: У ўқийди. Мард майдонда билинар – содда феъл-кесим. У китобни ўқиб чиқди; У кизариб кетди – мураккаб феъл-кесим.

От-кесим от, сифат, сон, олмош, равиш, модал ва тақлид сўзлар ҳамда ҳаракат номи билан ифодаланади. У ҳам содда ва мураккаб шаклларда бўлади. Масалан: Уят ўлимдан қаттиқ. Бола болдан ширин – содда от-кесим. Унинг кўзи оғир эди. Бола болдан ширин бўлади – мураккаб от-кесим.

БОҒЛАМА ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Тилда от-кесимнинг кесим эканлигини кўрсатиб турувчи грамматик воситалар мавжуд. Синтаксисда улар боғлама деб юритилади. Боғламалар қўшимчалар ёки ёрдамчи сўзлар ҳолида бўлади. Мустақил маъноли сўз боғлама бўлиб келса, у мустақил маъносини йўқотиб ёрдамчи маъно англатади. Қуйидаги сўз ва қўшимчалар боғлама бўлиб келади:

I. Кесимлик кўрсаткичлари Масалан: Мен ишчиман, у ишчидир, биз ишчимиз, улар ишчилар.

II. Экан, эди, эмиш, эрур, эмас каби тўлиқсиз феъллар. Масалан: Бу ерлар янтоқзор эди. Карим инженер экан.

III. Бўлмоқ, этмоқ, қилмоқ каби ёрдамчи вазифада келадиган феъллар. Масалан: У юрист бўлмоқчи. Ўзингни ўзинг нотаваон қилма.

IV. Ҳисобланмоқ, саналмоқ, дейилмоқ, деб аталмоқ каби феъллар ҳам боғлама вазифасида келади. Масалан: Фард энг кичик лирик жанр ҳисобланади.

P.S: От-кесим фақат бош келишидаги сўзлар билан эмас, балки жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиш келишикларидаги сўзлар билан ҳам ифодаланиши мумкин. Бу хат сенга(дир). Умидимиз сизлардан. Калит Салимда. Демак, от-кесим кимда? нимада? қаерда? кимга? нимага? қаерга? кимдан? нимадан? қаердан? каби сўроқларга ҳам жавоб бѐлади.

ГАПНИНГ ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ БЎЛАКЛАРИ

АНИҚЛОВЧИ

1-§. Таърифи: Гапдаги предметлик маъносига эга бўлган сўзларнинг белгиси ва миқдорини, шунингдек, ким, нима, қаерга қарашли эканлигини билдирадиган гап бўлаги аниқловчи дейилади.

2-§. Турлари. Аниқловчи 3 хил бўлади:

- 1) сифатловчи-аниқловчи;
- 2) қаратқич-аниқловчи;
- 3) изоҳловчи-аниқловчи.

3-§. Сифатловчи-аниқловчининг сўроқлари ва қайси сўз туркуми билан ифодаланиши. Сифатловчи-аниқловчи қандай? қанақа? қайси? нечта? нечанчи? нечтача? қанча? каби сўроқларга жавоб бўлади. У қуйидаги сўз туркумлари билан ифодаланади:

I. Сифат: Гўзал баҳор келди.

II. Сифатдош: Айтар гапни айт, айтмас гапдан қайт.

III. Сифат вазифасидаги равиш: Оз илмнинг ҳам кўп ҳикмати бор.

IV. Сифат, равиш ва сон ўрнида қўлланувчи олмошлар: Бу китобни ўқиганмиз. Шаҳарда шунақа гаплар юрибди. Жорж Сименон шунча роман яратган.

V. Сон билан: 31-мактабда ўқиганман. 2 та укам бор.

VI. Сифат вазифасидаги (сифатлашган) отлар билан: Темир эшик ўрнатдик. Сопол кўзада сув муздай сақланади. Адрас тўнга бўз ямоқ.

VII. Ўрин белгиси ва ўхшатиш формаларидаги от билан: Уйдаги китобни олиб кел. Ойдаи юзингни кўргони келдик.

4-§. Қаратқич-аниқловчининг сўроқлари ва ифодаланиши. Қаратқич-аниқловчи кимнинг? ниманинг? қаернинг? нечанинг? нечанчининг? қайсининг? қачоннинг? каби сўроқларга жавоб бўлади. Қаратқич-аниқловчи отлар, от вазифасидаги олмошлар, ҳаракат номи ва барча отлашган сўзлар билан ифодаланади. Маълумки, сифат ва сон, сифат ва сон вазифасидаги олмошлар, сифатдош, равиш, ундов, тақлид ва модал сўзлар осонгина отлашади. Фақат қаратқич-аниқловчини қўмакчи билан келган бошқа гап бўлақларидан фарқлаш керак. Масалан: Бўр столнинг устида. Бўр полнинг устида турибди.

1. Қаримнинг акаси – инженер.

2. Ўз уйинг – ўлан тўшагинг.

3. Тўртнинг ярми 2 бўлади.

4. Сахийнинг эҳсонига ҳасиснинг боши оғрир.

5-§. Изоҳловчи-аниқловчининг сўроқлари ва ифодаланиши. Изоҳловчи-аниқловчи қайси? сўроғига жавоб бўлади ва асосан от билан ифодаланади. Масалан: Генерал Собир Раҳимов Тошкентда туғилган. Академик Иброҳим Мўминов Шофиркон туманидан. Она – Ватан барчамиз учун азиз.

6-§. Аниқловчининг қайси гап бўлақларига боғланиши. Аниқловчи 5 та гап бўлагига ҳам боғланиб кела олади. Қаратқич-аниқловчи мослашув йўли билан, сифатловчи-аниқловчи ва изоҳловчи-аниқловчи битишув йўли билан аниқланмишга бирикади.

1. Оқ пахталар очилди (эганинг аниқловчиси).

2. Тошкент – катта шаҳар (кесимнинг аниқловчиси).

3. Қодирий романларини севиб ўқиймиз (тўлдирувчининг аниқловчиси).

4. Қадим Бухорога лайлақлар келди (ҳолнинг аниқловчиси).

5. Бу гапларнинг ярми ёлғон, ярми чин (аниқловчининг аниқловчиси).

P.S. I. Аниқловчилар маъноси, сўроқлари, қайси сўз туркуми билан ифодаланишига кўра юқоридаги 3 турга бўлинади. Масалан: қаратқич-аниқловчи қарашлилиқни билдиради, сўроқлари қаратқич келишигидаги сўзлар бўлади, от ва от вазифасидаги сўзлар билан ифодаланади. Сифатловчи-аниқловчи белги ва миқдорни билдиради, сифат ва сон билан ҳамда сифат ва сон вазифасидаги сўзлар билан ифодаланади ва сўроқлари ҳам сифат ва сон характеридаги сўроқ олмошлари бўлади. Изоҳловчи-аниқловчи даража-унвон, лавозим, миллат, касб-кор кабиларни билдиради, асосан от билан ифодаланади, одатда қайси? сўроғига жавоб бўлади.

II. Ҳар қандай гап бўлаги каби аниқловчи ҳам ибора билан ифодаланиши мумкин. Масалан: Арконни узун ташлаган одам ютқизмайди. Мирзакаримбой – илоннинг ёғини ялаган одам.

ТЎЛДИРУВЧИ

I. Таърифи: Гапдаги бирор бўлакни тўлдириб, унга бошқарув йўли балан боғланган гап бўлаги тўлдирувчи дейилади.

Тўлдирувчи асосан феъл-кесимга боғланиб келади. Лекин у бешала гап бўлагига ҳам боғланиб келиши мумкин. Масалан: 1. Феъл-кесимга боғланган: Карим қитобни ўқиди. Акам сизга салом айтди. 2. От-кесимга боғланган: Мақсадимиз – аълочиларга етиб олиш. Бу – сизга эсдалик. 3. Эгага боғланган: Дўстларимдан бири келди. Паранжига хужум бошланди. 4. Тўлдирувчига боғланган: Кечаги гапни эсладим. 5. Аниқловчига боғланган: Катта акамнинг уйларига бордик. 6. Ҳолга боғланган: Биринчилиқни олганидан кувониб чапак чалиб юборди.

II. Тўлдирувчининг турлари.

Тўлдирувчи 2 турга ажралади:

1. Воситасиз тўлдирувчи.
2. Воситали тўлдирувчи.

Воситасиз тўлдирувчи тушум келишигидаги сўз билан ифодаланади ва ўтимли феъл билан ифодаланган гап бўлагига боғланади.

Воситали тўлдирувчи ўрин-пайт, жўналиш, чиқиш келишикларидаги сўзлар билан ёки кўмакчи билан келган сўзлар билан ифодаланади. Лекин ўрин келишикларидаги ҳамма сўз ҳам тўлдирувчи бўлавермайди. Кўмакчи билан келган сўзлар ҳам доимо тўлдирувчи бўлмайди. Тўлдирувчини ҳол ва аниқловчидан фарқлаш учун гап бўлагининг маъноси ва сўроқларидан келиб чиқиш керак. Масалан: Хатни қалам билан ёздим (тўлдирувчи). Хонанда завқ билан куйлади (ҳол).

III. Тўлдирувчининг сўроқлари. Воситасиз ва воситали тўлдирувчининг сўроқлари бир-биридан фарқ қилади.

Воситасиз тўлдирувчининг сўроқлари: кимни?, нимани?, қаерни?, нечани?, нечанчини?, кайсини?, қачонни?...

Воситали тўлдирувчининг сўроқлари: кимга?, нимага? (чому), кимда?, нимада?, кимдан?, нимадан?, ким билан?, нима билан?, ким учун?, нима учун?, нима ҳақида?, ким ҳақида?, қаер учун?, қаер билан?, ким орқали?, нима орқали?, қаер орқали?, нима бўйича?...

IV. Тўлдирувчининг ифодаланиши. Барча тўлдирувчилар от ва от вазифасидаги сўзлар билан ифодаланади. Демак, от, от вазифасидаги олмошлар, ҳаракат номи тўғридан-тўғри, сифат, сон, равиш, сон, сифат ва равиш вазифасидаги олмошлар, сифатдош, ундов, тақлид ва модал сўзлар отлашиб тўлдирувчи вазифасида кела олади. Масалан: Пахта қорға ўхшайди (от билан ифодаланган). Сизни таниймиз (от вазифасидаги олмош билан ифодаланган). Ўқишни бошладик (ҳаракат номи билан ифодаланган). Яхшидан адашма, ёмонга ёндашма (отлашган сифат билан). Тоқ сонни иккига кўпайтирсак, жуфт сон ҳосил бўлади (отлашган сон билан). Шун билмаймизми? (отлашган олмош билан). Қўпдан куён қутулмас (отлашган равиш билан).

Интилаганга толе ёр (отлашган сифатдош билан). Оҳ-воҳ билан иш битмайди (отлашган ундов сўз билан). Тақир-туқурни эшитмадим. (отлашган таклид сўз билан). Йўқни йўндириб бўймайди (отлашган модал сўз билан).

ҲОЛ

I. Таърифи: Иш-ҳаракатнинг белгисини – бажарилиш тарзи, ўрни, пайти, сабаби, мақсади, миқдори, шарт ва ўша иш-ҳаракатнинг бажарилишига тўсиқ бўлолмайдиган жиҳатларни билдирадиган гап бўлаги ҳол деб аталади.

II. Ҳол одатда кесимга боғланиб келади.

III. Ҳолнинг маънога кўра турлари:

1. Тарз (вазият, равиш) ҳоли: У пиёда келди.
2. Ўрин ҳоли: Биз шаҳарда яшаймиз.
3. Пайт ҳоли: Эрталаб ёмғир ёғди.
4. Сабаб ҳоли: Йўлчи ноилож тоғасиникига йўл олди.
5. Мақсад ҳоли: Билимимизни синаб кўриш учун «Зиё» марказига бордик.
6. Даража-миқдор ҳоли: Озгина сурилинг.
7. Шарт ҳоли: Улгурсам бораман.
8. Тўсиқсизлик ҳоли: Кечиккан бўлса ҳам дарсга кирди.

IV. Ҳолнинг сўроқлари.

Ҳолнинг ҳар бир тури сўроқларига кўра бир-биридан фарқ қилади.

1. Вазият ҳоли: қандай?, қай ҳолатда?, қай тарзда?, қай вазиятда?, қандай қилиб?
2. Пайт ҳоли: қачон?, қай пайтда?, қачонгача?, қачондан бери?, қачондан буён?, қанча вақт ичида?
3. Ўрин ҳоли: қаерда?, қаердан?, қаерга?, қаёққа?, қаёқдан?, қаёқда?, қайдан?
4. Сабаб ҳоли: нега?, нима учун?, нечун?, нима сабабдан?, не боис?
5. Мақсад ҳоли: нима мақсадда?, нима учун?, нега?
6. Даража-миқдор ҳоли: қанча?, қанчалаб?, нечанчи?, қай даражада?
7. Шарт ҳоли: нима бўлса?, нима бўлмаса?, қандай шарт билан?
8. Тўсиқсизлик ҳоли: нима бўлса ҳам?, нима бўлмаса ҳам?, нима бўлмаса-да?, нима бўлганига қарамай?

V. Ҳолнинг ифодаланиши.

Ҳол қуйидаги сўз туркумлари билан ифодаланади:

1. Равиш: Машина бирдан тўхтади.
2. Равишдош: У ҳаяжонланиб гапирди. Ўйнагани стадионга кетди.
3. Сифат: У масалани тўғри ечди.
4. Якка ҳолда ёки ҳисоб сўзи билан келган сон: У маррага биринчи етиб келди. Юз кадамча юрдик.
5. Шарт майлидаги феъл: (шарт ва тўлиқсизлик ҳоллари): Билсам айтаман-да.
6. Равиш, сифат ва сон вазифасидаги олмошлар: Карим нега келмади? Сизни шунча кутдик. Мен ҳам шундай ўйлайман.
7. Таклид сўзлар: Олмалар дув-дув тўкилди. Юраги дук-дук ура бошлади.
8. От ва отлашган сўзлар, от вазифасидаги сўзлар ўрин келишиклари қўшимчалари, уларга яқин турадиган кўмакчилар билан келиб, ҳол вазифасини бажариши мумкин. Кеча Тошкентдан келдик. У завқ билан куйлади. Мактаб томон йўл олдик.

VI. Ҳолнинг бошқа гап бўлакларига бирикиш усуллари.

Равиш, равишдош, сифат, сон; сифат, сон, равиш вазифасидаги олмошлар билан ифодаланган ҳол ҳоким гап бўлагига битишув йўли билан бирикади. Масалан: У севишиб гапирди.

От ва от вазифасидаги сўзлар билан ифодаланган ҳол ҳоким бўлакка одатда бошқарув йўли билан бирикади. Масалан: Мен мактабда ўқиганман.

УНДАЛМА ВА УНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Сўзловчининг нутқи қаратилган шахс ёки предметни билдирган бўлак ундалма деб аталади: У қуйидагича ифодаланади:

1. От билан: Болалар, бу ёққа қаранглар. Карим, машинани тўхтат.
2. Отлашган сифат, отлашган сон ва отлашган сифатдош билан. Азизим, дунёга бевақт келибмиз. Биринчи, биринчи, эшитяпсанми? Барака топгур, пахтамини кўтаришиб юборинг.
3. Мурожаат ундовлари билан. Ҳой, қаёққа кетяпсан? Эй, тўхта. Ҳай, отингиз нима эди?

Ундалмалар қаерда келишидан қатъи назар гап бўлакларидан вергул билан ажратилади: гап бошида келса, ундан кейин, гап ўртасида келса, икки томонидан, гап охирида келса, ундан олдин. Баъзан мурожаатни кучайтириш учун ундалма билан келган ундов сўзлардан кейин вергул қўйилади. Масалан: Эй, дўстим, бу ёққа кел. Эй, болалар, коптокни олиб келинглар.

КИРИШ БЎЛАКЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Кириш бирикма ва кириш гапларнинг қатъий морфологик структураси йўқ. Улардаги сўзлар мустақил ёки нисбий мустақил маънога эга бўлган исталган сўз туркуми билан ифодаланиши мумкин. Кириш сўзлар эса қуйидаги сўз туркумлари билан ифодаланади:

1. Модал сўзлар билан: Очиғи, бу китобни ўқиганим йўқ. Эҳтимол, эртага борарман. Ҳақиқатан ҳам, Машраб – оташнафас шоир.
2. Ундов сўзлар билан: Эҳ, менга телефон қилмабсиз-да. Ура, кўнғирок чалинди.
3. Модал сўзга томон силжиган феъллар ёки сонлар билан: Келинг, сиз айтганча бўлсин. Биринчидан, кеч келдинг, иккинчидан, вазифани бажармабсан.

ГАП ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Гап нутқнинг энг кичик бирлигидир. Сўз тушунча англатади, гап эса фикр англатади. Гап қуйидаги хусусиятларга эга:

1. Нисбий тугал фикр англатади.
2. Тугалланган оҳанг билан айтилади.
3. Гапни ташкил этувчи қисмлар бир-бири билан маъно ва грамматик жиҳатдан боғланган бўлади.

Қуйидаги гапларнинг биринчисида сўзлар маъно жиҳатидан, иккинчисида эса грамматик жиҳатдан боғланмаган:

1. Тераклардан юқори ҳосил олинди.
 2. Мен мактабда ўқимок.
- Ҳар қандай гап энг аввало тўрт жиҳатдан тасниф қилиниши мумкин:
1. Мақсадига ёки ифода мақсадига кўра.
 2. Модаллигига кўра.
 3. Эмоционаллигига кўра.
 4. Тузилишига ёки грамматик асослар миқдорига кўра.

Мақсадига кўра гаплар 3 хил бўлади.

I. Дарак гаплар. Масалан: Карим келди. Ёмғир ёғди. Девор ок.

II. Сўроқ гаплар. Улар 3 йнъл билан ҳосил бўлади:

а) сўроқ олмошлари ёрдамида: Нега келмадинг? Салим қани? Қаерда ўқийсиз?

- б) сўроқ юкламалари ёрдамида: Салим келдимми? Сиз лицейда ўқийсиз-а? Дўстингиз-чи?
с) сўроқ оҳанги ёрдамида: Дўл ёғяпти? Солдат келди?

Баъзи гапларда сўроқ олмошлари ҳам, сўроқ юкламаси ҳам бўлиши мумкин: Университет қаерда жойлашган-а? Баъзан иккита юклама келиши ҳам мумкин: Ручкаларингиз борми-а? Жавоб талаб қилмайдиган риторик сўроқ гаплар ҳам бор. Улар ҳам бари бир мақсадига кўра сўроқ гапга киради. Сўроқ шаклидаги буйруқ гаплар ҳам бор. Улар сўроқ-буйруқ гап деб юритилади: Озгина суриласизми? Ўша ручкани олиб бермайсизми? Бундай гаплар ҳам шартли равишда бўлса-да сўроқ гапларга киритилади.

III. Буйруқ гаплар. Улар фақат буйруқни эмас, илтимос, маслаҳат, таклиф, истак каби маъноларни ифодалаши мумкин. Масалан: Полни юв (буйруқ). Яхшиси, кутубхонага бор (маслаҳат). Илтимос, эшикни ёпиб қўйинг (илтимос). Қани энди ҳозир бир коса муздай сув бўлса (истак).

Буйруқ гапларнинг кесими кўпинча буйруқ-истак майлида, баъзан шарт майлида бўлади.

Гаплар модаллигига кўра 2 хил бўлади.

I. Тасдиқ гаплар: Ёмғир ёғди. Карим – ишчи. Китоб бор.

II. Инкор гаплар: Ёмғир ёғмади. Карим ишчи эмас. Китоб йўқ.

Баъзан инкор гаплар тасдиқ гап шаклида бўлиши мумкин: Борасан-а, борасан! Бориб бўлибсан. Синф раҳбарларинг кечирадиган одам-да ўзиям.

Иккита инкор шакл баъзан тасдиқ маъносини ифодалаши мумкин: Ёзмай қўйма. Айтмай турма.

Гаплар эмоционаллигига кўра ҳам 2 хил бўлади.

1. Ҳис-ҳаяжон гаплар ёки ундов гаплар: Яшасин мустақиллик! Тегма печкага. Осмон нақадар тиниқ.

2. Ҳис-ҳаяжонсиз гап: Бўр одатда оқ бўлади.

Ҳис-ҳаяжон гап оғзаки ва бадиий услубда кўпроқ учрайди, илмий ва расмий услубда камроқ.

Тузилишига ёки грамматик асослар миқдорига кўра ҳам гаплар 2 хил бўлади:

1. Содда гаплар. Уларда эга ва кесим боғланиши битта бўлади: Қор ёғди. Карим ва Салим келмади. Элчилар келишди ва кетишди.

2. Қўшма гап. Уларда эга ва кесим боғланиши камида 2 та бўлади: Болта тушгунча, тўнка дам олар. Айтинг, киришсин (Сиз айтинг, улар киришсин). Юр, кетдик (Сен юр, биз кетдик).

СОДДА ГАПНИНГ ТУРЛАРИ

I. Содда гапни турларга ажратишда гапни ташкил этувчи етгита қисмга асосий эътиборни қаратамиз. Маълумки, ўша 7 та қисмдан 5 таси гап бўлаклари ҳисобланади. Бу жиҳатдан содда гаплар 2 га бўлинади.

1. Бўлакларга ажраладиган гаплар.

2. Бўлакларга ажралмайдиган гаплар, яъни сўз-гаплар.

Гапда 5 та гап бўлаги (камида уларнинг биттаси) мавжуд бўлса, у бўлакларга ажраладиган гап ҳисобланади. Масалан: Баҳор! Чекилмасин! Карим қани? Кўчада.

Сўз-гапда эга ва кесим ҳам, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол ҳам бўлмайди. Одатда, ундалма ва кириш сўзлар яхлит гап ҳолида келса сўз-гаплар ҳисобланади. Масалан: Юртим! Албатта!

Сўз-гапни 1 та сўздан иборат бўлади, деб ўйлаш нотўғри, чунки 1 та сўздан иборат бўлган гаплар тўлиқсиз гап ёки бир бош бўлакли гап бўлиши ҳам мумкин. Шунингдек, сўз-гап бир неча сўздан иборат бўлиши ҳам мумкин. Масалан: Хайр, яшил ўрмонзор, мовий денгизлар!

Юқоридаги гапда эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол йўқ. Шунинг учун у сўз-гап ҳисобланади.

II. Бош бўлақлар иштирокига кўра содда гаплар 2 хил бўлади.

1. Бир бош бўлақли гаплар (ёки эгаси, ё кесими бор).
2. Икки бош бўлақли гаплар (эгаси ҳам, кесими ҳам бор).

Бир бош бўлақли гаплар 5 хил бўлади:

1. Атов гап – кесими йўқ.
 2. Шахси маълум гап –
 3. Шахси номаълум гап –
 4. Шахси умумлашган гап –
 5. Шахси топилмас гап –
- } эгаси йўқ.

III. Иккинчи даражали бўлақлар иштирокига кўра ҳам содда гаплар икки хил бўлади:

1. Содда йиғиқ гап: Қуёш чикди. Девор оқ экан.
2. Содда ёйиқ гап: Тошкентдан кеча келдик. Қуёш барвақтроқ чикдими?

IV. Зарур бўлақлар иштирокига кўра ҳам гаплар 2 хил бўлади:

1. Тўлиқ гаплар.
2. Тўлиқсиз гап.

Бир бош бўлақли гаплар тўлиқсиз гап ҳисобланмайди. Уларда эга ёки кесим бўлмаслиги мумкин. Лекин уларда эга ёки кесимга зарурат бўлмагани учун тушиб қолади. Тўлиқсиз гапда эса зарур бўлақлар 2 та сабабга кўра тушиб қолади:

А) олдин ишлатилганлиги учун:

- Эртага соат 12⁰⁰ да қаерда бўласиз?
- Уйда.

Б) урф-одатга айланганлиги учун: Наврўзингиз муборак! Байрамингиз билан.

V. Махсус элементлар иштирокига кўра ҳам содда гаплар 2 хил бўлади.

1. Махсус элементлар билан кенгаймаган гаплар.
2. Махсус элементлар билан кенгайган гаплар.

Махсус элементларга ундалмалар, кириш бўлақлар, ажратилган бўлақлар ва уюшиқ бўлақлар киради. Масалан: 1. Автобус кетиб қолибди-ку (кенгаймаган). 2. Ие, автобус кетиб қолибди-ку (кенгайган). 3. Ручкани узатиб юборинг (кенгаймаган). 4. Ука, ручкани узатиб юборинг (кенгайган). 5. Кўчада 2-3 одам турибди (кенгаймаган). 6. Кўчада, эшикнинг олдида, 2-3 одам турибди (кенгайган).

БИР БОШ БЎЛАҚЛИ ГАПЛАР

Бир бош бўлақли гаплар аввало 2 га бўлинади:

1. Кесимсиз гаплар.
2. Эгасиз гаплар.

Кесимсиз гаплар асосан бир хил кўринишда бўлади, улар атов гап деб юритилади (номинатив гап).

Атов гап фақат эгадан иборат бўлиши ҳам, эга составидан иборат бўлиши ҳам мумкин. Яъни эга якка ҳолда келиши ҳам, аниқловчиси билан келиши ҳам мумкин. Уларнинг барчаси ҳам, бари бир, атов гап ҳисобланади, чунки кесими йўқ. Масалан: Куз! Олтин куз! Бухоро, қадимий ва навқирон Бухоро! Ўқиш.

Эгасиз гаплар 4 хил бўлади:

1. Шахси маълум гап.
2. Шахси номаълум гап.
3. Шахси умумлашган гап.

4. Шахси топилмас ёки шахссиз гап.

Эгасиз гапларнинг 3 кўринишида эгани ҳар ҳолда тиклаш мумкин. Шахси топилмас ёки шахссиз гапларда эса эгани тиклаб бўлмайди, унинг ўрни ҳам, унга зарурат ҳам йўқ. Масалан: Ўзи борида гапирилсин. Доим яхши ният тилаб яшаш керак. Йиғланмасин, нега йиғланади?! (А. Қаххор).

Шахси топилмас гапларнинг кесими одатда мажҳул нисбатда бўлади.

Шахси маълум гапларда эга бўлмаса ҳам, уни осонгина тиклаш мумкин. чунки кесимдаги шахс-сон қўшимчалари ва кесимлик кўрсаткичлари эгани аниқ кўрсатиб туради. Масалан: Китобни ўқидим (мен). Лицейга бордингми (сен)?

Шахси номаълум гапларнинг эгаси (ифодаланмаган эгаси) «улар», «одамлар» сўзлари бўлади. Лекин бу одамларнинг айнан кимлар эканлигини фамилияма-фамилия аниқлаб бўлмайди. Масалан: Марғилонда ёш болаларни ҳам сизлайдилар. Дарахтнинг ёшини поясидаги ҳалқалардан билиб олишади. Бу йил бизларни пахтага олиб чиқишмади.

Шахси умумлашган гапнинг кесими одатда буйруқ-истак майлида бўлади. У шаклан 2-шахсга қаратилган бўлса-да, мазмунан барчага қаратилган бўлади. Масалан: Етти ўлчаб, бир кес. Бугунги ишни эртага қўйма. Буларнинг формал эгаси «сен», лекин мазмуни ҳаммага тааллуқли.

УЮШИҚ БЎЛАКЛИ ГАПЛАР

Уюшиқ бўлақлар – синтаксисга хос ҳодиса. Демак, гапни ташкил этувчи қисмларгина уюшиб келиши мумкин. Ўзбек тилида 5 та гап бўлаги ва ундалмаларнинг уюшиб келиши одатдаги ҳол ҳисобланади.

Уюшиқ бўлақлар:

- а) битта сўроққа жавоб бўлади;
- б) бир хил грамматик шаклда бўлади;
- с) битта ёки бир хил гап бўлаги бўлиб келади;
- д) уюшиқ бўлақлардан олдин ёки кейин умумлаштирувчи бўлақ (сўз) келиши мумкин.

Агар умумлаштирувчи бўлақ уюшиқ бўлақлардан олдин келса, ундан кейин 2 нукта, кейин келса, ундан олдин тире қўйилади.

Уюшиқ бўлақлар ўзаро бир-билан тенг боғловчилар (ва, ҳам – ҳам, ҳамда; аммо, лекин, бироқ, балки; ё – ё, гоҳ – гоҳ, баъзан – баъзан, бир – бир), тенг боғловчи вазифасидаги юкламалар (-у, -ю, -да), инкор юкламаси (на – на) ва «билан» кўмакчиси ёрдамида боғланади; мазкур воситалар бўлмаса, уюшиқ бўлақлар фақат санаш оҳанги ёрдамида боғланади.

Масалан:

- 1. Карим билан Салим келди (эга уюшган).
- 2. Ўқитувчи бизга қаради, лекин гапирмади (кесим уюшган).
- 3. Ойбек роман, қисса, дoston ва шеърлар яратган (тўлдирувчи уюшган).
- 4. У вазифани тез ва пухта бажарди (ҳол уюшган).
- 5. Ота-оналар ва фарзандларнинг дунёқараши ўртасида ўхшашлик ҳам, жиддий тафовутлар ҳам мавжуд бўлади (аниқловчи ва эга уюшган).
- 6. Боғимизда очилсин ҳар хил гуллар: атиргул, сафсаргул, бинафша, чиннигул (эга уюшган). Уй, буюм, мол-ҳол – ҳаммаси сизга қолсин (эга уюшган).
- 7. Хайр, яшил ўрмонзор, мовий денгизлар; Мухайё, Сурайё, Раъно, Муқаддас, кўзимни яшнатиб кийибсиз атлас (ундалма уюшган).

Уюшиқ бўлақлар баъзан жуфт-жуфт бўлиб келиши мумкин. Масалан: Халқимиз фарзандлари орасидан Жалололдин Мангуберди ва Амир Темур, Беруний ва Ибн Сино, Навоий ва Бобур каби улуғ шахслар етишиб чиққан.

АЖРАТИЛГАН БЎЛАКЛАР

Гапда қайсидир бир бўлакни алоҳида изоҳлаб келадиган бўлаклар ҳам мавжуд бўлади. Улар ажратилган бўлак ёки ажратилган изоҳ бўлак деб юритилади. Ажратилган изоҳ бўлаклари изоҳланувчи бўлак билан:

- 1) бир хил грамматик шаклда бўлади;
- 2) битта сўроққа жавоб беради;
- 3) бир хил гап бўлаги ҳисобланади.

Юқоридаги 3 хусусияти билан улар уюшиқ бўлакларга ўхшайди. Лекин ажратилган бўлакларнинг уюшиқ бўлаклардан иккита муҳим фарқи бор:

1. Уюшиқ бўлаклар санаш оҳанги билан айтилади, ажратилган бўлак изоҳ оҳанги билан айтилади.

2. Уюшиқ бўлаклар бир неча тушунчани билдиради, ажратилган бўлаклар битта тушунчани икки хил номлайди. Ажратилиш ҳодисаси асосан 2-даражали бўлакларга хос. Эга ажратилса, у изоҳловчи ҳисобланади. Изоҳловчи эса аниқловчининг бир тури, демак, 2-даражали гап бўлаги.

Изоҳ бўлаклари ёзувда икки томонидан вергул билан, икки томонидан тире билан, тире ва вергул билан бошқа гап бўлакларидан ажратилади. Баъзан ажратилган бўлакни қавс ичига олиш ҳолати ҳам учрайди. Масалан: Мен – Муродова Хуршида, Бухоро шаҳрида туғилганман (изоҳловчи). Кўчада, эшик ёнида, сизни биров кутяпти (ҳол). Каримнинг, кеча келган боланинг, акаси ҳам бизнинг лицейда ўқиган (аниқловчи). Рустамда, гуруҳдошимизда, жуда кўп китоб бор (тўлдирувчи). Бултур (2000 йили) тил ўрганиш марказига қатнаган эдим (пайт ҳоли).

УЮШГАН ВА УЮШМАГАН АНИҚЛОВЧИЛАР

Маълумки, сифатловчи-аниқловчи кўпинча сифат билан ифодаланади. Сифатлар эса маънога кўра 8 хил бўлади. Сифатнинг маънога кўра битта турига кирувчи сўзлар билан ифодаланган аниқловчи уюшган аниқловчи ҳисобланади. Масалан: Боғимизда оқ, қизил, сарик, гуллар очилди. Аниқловчилар уюшиб келган, ранг-тус билдирувчи сифатлар билан ифодаланган.

Маъносига кўра ҳар хил бўлган сифатлар уюшмаган аниқловчи ҳисобланади. Масалан: Ҳовлида катта қора сигир кўринди (катта – ҳажм-ўлчов билдирувчи сифат, қора – ранг-тус билдирувчи сифат, демак, улар уюшмаган).

ҚЎШМА ГАПЛАР

Бирдан ортиқ содда гапдан ташкил топган гаплар қўшма гаплар дейилади. Қўшма гапда одатда эга ва кесим боғланиши бирдан ортиқ бўлади. Демак, содда ва қўшма гаплар бир-биридан тузилишига кўра, грамматик асослар миқдорига кўра, яна ҳам аниқроғи, эга ва кесим боғланишининг миқдорига кўра фарқ қилади. Масалан: Карим, Салим ва Ҳалим келди, кутиб турди ва қайтиб кетди (эга ҳам 3 та, кесим ҳам 3 та, лекин бу – содда гап, чунки эга ва кесим боғланиши битта). Айтинг, киришсин (бу қўшма гап, чунки эга ва кесимнинг боғланиши бирдан ортиқ: сиз айтинг, улар киришсин).

Содда гапда ҳар доим эга ҳам, кесим ҳам бўлиши шарт эмас, чунки тилда бир бош бўлакли гаплар мавжуд. Қўшма гап таркибидаги содда гаплар ҳам бир бош бўлакли гап бўлиши мумкин, лекин бари бир улар нисбий тугал фикр англатади ва содда гап ҳисобланаверади. Масалан: Палағда тухумга мурч сеппиб берган билан, уни еб бўлмайди.

Бу ердаги содда гапларнинг иккаласи ҳам бир бош бўлакли:

- 1-си – шахси номаълум гап (эгаси – улар, одамлар);
- 2-си – шахси топилмас гап (эга йўқ, уни тиклаб бўлмайди).

Қўшма гаплар таркибидаги содда гаплар ўзаро бир-бири билан тенг ва тобе муносабатда бўлиши мумкин. Улар тенг боғловчилар ва тенг боғловчи вазифасидаги ёрдамчи сўзлар воситасида, эргаштирувчи боғловчилар ва эргаштирувчи боғловчи вазифасидаги грамматик воситалар ёрдамида, баъзан эса боғловчиларсиз бир-бирига боғланиши мумкин. Таркибидаги содда гапларнинг ўзаро муносабатига ва қайси воситалар билан боғланишига кўра қўшма гаплар 3 турга бўлинади:

1. Боғланган қўшма гаплар. Уларнинг 2 та муҳим хусусияти бор:
 - а) таркибидаги содда гаплар тенг ҳуқуқли бўлади;
 - б) содда гаплар ўзаро тенг боғловчилар ва тенг боғловчи вазифасидаги юкламалар воситасида боғланади.
2. Эргашган қўшма гаплар. Уларнинг 2 та муҳим хусусияти бор:
 - а) таркибидаги содда гаплар ўзаро ҳоким ва тобе муносабатида бўлади;
 - б) улар эргаштирувчи боғловчилар ва эргаштирувчи боғловчи вазифасидаги грамматик воситалар ёрдамида боғланади.
3. Боғловчисиз қўшма гаплар. Уларнинг 2 та муҳим хусусияти бор:
 - а) таркибида содда гаплар ўзаро бир-бири билан тенг муносабатда бўлиши ҳам, ҳоким ва тобе муносабатида бўлиши ҳам мумкин;
 - б) содда гаплар ўзаро ҳеч қандай грамматик воситасиз, фақат мазмун ва оҳанг ёрдамида бирикади.

БОҒЛАНГАН ҚЎШМА ГАПЛАР

Боғланган қўшма гаплар 4 хил бўлади:

1. Бириктирув муносабатли боғланган қўшма гаплар. Улар ва, ҳамда, ҳам – ҳам боғловчилари ва -у, -ю, -да юкламалари ёрдамида боғланади. Масалан: Баҳор келди ва гуллар очилди. Кечада концерт намойиш этилди ҳамда фильм кўрсатилди. Эшик бирдан очилди-ю, Қаландаровнинг юзи кўринди.
 2. Зидлов муносабатли боғланган қўшма гаплар. Улардаги содда гаплар аммо, лекин, бироқ, эса, ҳолбуки, ваҳоланки, а каби зидлов боғловчилари ва -у, -ю юкламалари ёрдамида боғланади. Масалан: Қуёш чиқди, аммо ҳаво исимади. Қўнғироқ чалинди-ю, дарс бошланмади. Карим – ишчи, Салим эса тижоратчи.
 3. Айирув муносабатли боғланган қўшма гаплар. Улардаги содда гаплар ё – ё, гоҳ – гоҳ, дам – дам, баъзан – баъзан, бир – бир, ёки – ёки каби айирув боғловчилари ёрдамида боғланади. Улар ичида ёки, ё, ёхуд боғловчисигина якка ҳолда ҳам келиши мумкин. Бошқалари эса фақатгина такрор ҳолда ишлатилади. Масалан: Гоҳ ҳаво очилиб кетади, гоҳ ёмғир ёғади. Ё сиз келинг, ё мен борай.
 4. Инкор муносабатли боғланган қўшма гаплар. Улардаги содда гаплар ўзаро на – на юкламаси ёрдамида боғланади. Масалан: На ёмғир ёғади, на ҳаво очилиб кетади.
- Тенг боғловчилар ҳам, инкор юкламаси ҳам, -у, -ю, -да юкламалари ҳам уюшиқ бўлакларни бир-бирига боғлайди. Уларнинг мавжудлиги гапнинг боғланган қўшма гап эканлигини ҳар доим ҳам аниқ кўрсата олмайди. Шунинг учун уюшиқ бўлакли гапларни боғланган қўшма гаплар билан аралаштириб юбормаслик керак. Масалан. У тўғри жавобни топди, лекин айтмади – кесими уюшган содда гап. Дарсга на Карим, на Салим келди – эгаси уюшган содда гап. Укамга гоҳ опам, гоҳ синглим қарайди – эгаси уюшган содда гап.

БОҒЛОВЧИСИЗ ҚЎШМА ГАПЛАР

Улар мазмунан икки хил бўлади:

1. Боғланган қўшма гапга тенг: Баҳор келди, гуллар очилди. Қуёш чиқди, ҳаво исимади.
 2. Эргашган қўшма гапга тенг: Вақтинг кетди – бахтинг кетди (Вақтинг кетди, гўё бахтинг кетди – нҳшатиш эргаш гапли қўшма гап). Телпагингни кий, ҳаво совуқ (Телпагингни кий, чунки ҳаво совуқ – сабаб эргаш гапли қўшма гап).
- Баъзи бир боғловчисиз қўшма гаплар боғланган қўшма гапга ҳам, эргашган қўшма гапга ҳам тенг бўлиши мумкин. Масалан: Ҳавони булут қоплади, ёмғир ёғади.
1. Ҳавони булут қоплади, лекин ёмғир ёғади.
 2. Ҳавони булут қопласа ҳам, ёмғир ёғади.

ЭРГАШГАН ҚЎШМА ГАПЛАР

Эргашган қўшма гаплар бош гап ва эргаш гапдан ташкил топади. Унда эргаш гаплар сони бирдан ортиқ бўлиши ҳам мумкин. Эргаш гаплар бош гапдаги қайсидир бир бўлакни тўлдиради, изоҳлайди. Бинобарин, эргаш гаплар энг аввало 5 турга бўлинади:

1. Эга эргаш гап: Кимки имкониятларини бош мақсадга йъналтира олса, у ниятига кўпинча эришади (Ким ниятига кўпинча эришади?). Нимага кўпроқ меҳнатинг сингса, ўша сен учун азизроқдир (Нима сен учун азизроқдир?). Киндик қонинг қаерда томган бўлса, ўша ер илк ватанингдир (Қаер илк ватанингдир?).

2. Кесим эргаш гап. Бунинг ҳам сўроқлари ким?, нима?, қаер? Бундай қўшма гапларда бош гапнинг кесими кўрсатиш олмошлари билан ифодаланади. Масалан: Мақсадимиз шуки, орамизда қолоқлар бўлмасин (Мақсадимиз нима?). Гап шундаки, улар битта факультетга ўқишга кирмоқчи (Гап нимада?).

3. Аниқловчи эргаш гап. Сўроқлари – қандай?, қанақа?, қайси?, кимнинг?, ниманинг?, қаернинг? Масалан: «Ўтган кунлар» шундай романки, уни ўқишни бошлаган одам тугатмасдан ташлаб қўймайди. («Ўтган кунлар» қандай роман?) Кимнинг кўнгли тўғри бўлса, унинг йўли равондир. (Кимнинг йўли равондир?)

4. Тўлдирувчи эргаш гаплар. Сўроқлари – кимни?, нимани?, қаерни?, кимда?, нимада?, қаерда?, кимдан?, нимадан? кимга?, нимага? (чему?), ким билан?, нима билан? ким ҳақида?, нима ҳақида? Масалан: Ким саҳар бедордир, толе анга ёрдир (Толе кимга ёрдир?). Билиб қўйки, сени Ватан кутади (Нимани билиб қўй?). Кимда ишинг бўлса, ўшани чақир (Кимни чақир?).

5. Ҳол эргаш гаплар. Улар бош гапдаги ҳолни изоҳлайди. Уларнинг бир неча тури мавжуд. Ҳозирги тилшунослигимизда ҳол эргаш гаплар турларга ажратилган ҳолда ўрганилади. Ҳол эргаш гапларнинг турлари ҳолнинг турларига яқин туради:

I. Равиш эргаш гаплар: қай тарзда? қандай қилиб? қай ҳолатда?

Масалан: Юлдузлар битта-битта сўниб, уфқ оқара бошлади. (Уфқ қай тарзда оқара бошлади?)

II. Ўрин эрган гаплар: қаерда? қаерга? қаердан? Масалан: Қаерда интизом бўлса, ўша ерда иш унуми юқори бўлади. (Қаерда иш унуми юқори бўлади?)

III. Пайт эргаш гаплар: қачон? қанча вақт ичида? қай вақт? Масалан: Болта тушгунча, тўнка дам олар? (Тўнка қачон дам олар?) Қушлар тўп-тўп бўлиб учса, ҳаво очиқ бўлади. (Қачон ҳаво очиқ бўлади?) Узоқдан қора кўриндимми, чопиб ёнига борар эди. (Қачон чопиб ёнига борар эди?)

IV. Сабаб эргаш гаплар: нега? нима учун? нима сабабдан? Масалан: Режамиз бажарилди, шунинг учун кўнглимиз тўқ. (Нима учун кўнглимиз тўқ?) Қор ёғаетгани учунми, кўчаларда одам кам эди. (Нима сабабдан кўчаларда одам кам эди?)

V. Мақсад эргаш гаплар: нима мақсадда? Масалан: Ҳосиллар мўл бўлсин деб, меҳнат қилдик эрта-кеч. (Нима мақсадда меҳнат қилдик?) Пахтани тоза теринглар, токи бир грамм ҳам нобуд бўлмасин. (Нима мақсадда пахтани тоза теринглар?)

VI. Даража-миқдор эргаш гап: қанча? қанчалик? қай даражада? Масалан: Тоғ қанча баланд бўлса, унда қор шунча узоқ сақланади. (Ундаги қор қанча узоқ сақланади?) Ақл қанча қисқа бўлса, тил шунча узун бўлади. (Тил қанча узун бўлади?)

VII. Шарт эргаш гаплар: нима бўлса? нима бўлмаса?, қайси шарт бажарилмаса? Масалан: Ёмғир ёгса, чувалчанглар тупроқ юзасига чиқади. (Нима бўлса чувалчанглар тупроқ юзасига чиқади?) Эртага ҳаво иссиқ бўлса, экскурсияга чиқамиз. (Нима бўлса экскурсияга чиқамиз?)

VIII. Тўсиқсиз эргаш гаплар: нима бўл(ма)са ҳам? нима бўл(ма)са-да? Масалан: Олтин ерда қолса ҳам, билим ерда қолмайди. (Нима бўлса ҳам билим ерда қолмайди?) Қўлларимиз толиққан бўлса-да, ўзимиз чарчоқни мутлақо сезмаймиз. (Нима бўлса ҳам чарчоқни сезмаймиз?)

IX. Натижа эргаш гаплар: натижада нима бўлади? Масалан: Ёмғир шундай тез ёғдики, бекатга боргунча шалаббо бўлдик. (Натижада нима бўлди?)

X. Ўхшатиш эргаш гаплар: нима бўлганга ўхшаб? гўё нима бўлгандай? Масалан: Ҳамма ёқни қор қоплади, гўё олмага оппоқ гилам ёйилгандек.

XI. Чоғиштириш эргаш гаплар: нима бўлгунча? нима бўл(ма)гандан кўра? Масалан: Сенинг сўзинг ерда қолгунча, шайтоннинг бўйни узилсин. Тиз чўкиб яшагандан кўра, тик туриб ўлмок афзал.

ЭРГАШ ГАПНИНГ ТУРИНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ

I. Гапнинг ҳақиқатан ҳам қўшма гап эканлигини аниқлаймиз. Бунинг учун гапда эга ва кесим боғланиши камида 2 та бўлиши керак. Содда гаплардан бири бир бош бўлакли гап бўлса ҳам, қўшма гапда предикация (фикр, ҳукм) камида 2 та бўлади. Масалан: Меҳнат қилсанг, роҳат кўрасан. Билсам ҳам айтмадим. – Булар қўшма гап эмас!

II. Гап ҳақиқатан ҳам эргашган қўшма гап эканлигини аниқлаймиз. Чунки боғланган ва боғловчисиз қўшма гапларда тўла маънодаги эргаш гап бўлмайди. Эргашган қўшма гапда содда гаплар ўзаро тобе боғланади ва қуйидаги воситалар ёрдамида:

1) эргаштирувчи боғловчи (чунки, шунинг учун, негаки, агар, мабодо, башарти, модомики, гарчанд, -ки, яъни, гўё);

2) шарт майли қўшимчаси (-са);

3) сўроқ юкламаси (-ми);

4) равишдош қўшимчалари: (-б // -иб, -гач // -қач // -қач, -гунча // -кунча // кунча);

5) равишдош вазифасидаги сифатдош қўшимчалари: (-р // -ар, -мас);

6) келишиқ қўшимчасини олган ёки кўмакчи билан келган сифатдош ва ҳаракат номи қўшимчалари (тонг отганда; тонг отиши билан; тонг отгани билан);

7) деб, токи, максадида каби ёрдамчи вазифадаги сўзлар.

III. Эргаш гап ва бош гапни аниқлаймиз: Бунинг йўли қуйидагича: бош гап ҳар доим грамматик жиҳатдан тугалланган бўлади, асосий информация бош гапда ифодаланади.

IV. Бош гапдан келиб чиқиб, эргаш гапга савол берамиз. Савол бош гапнинг ичида бўлиши керак. Эргаш гапнинг битта бўлагига эмас, балки яхлитлигича ўзига савол берилиши керак. Эргаш гапнинг тури қайси сўз билан бошланганлигига ва ўртада қай восита борлигига кўра эмас, балки бош гапдан келиб чиқиб эргаш гапга берилган савол асосида топилади.

Масалан: 1. Юрак тандир эмаски, ўт ёкиб қиздирсанг. (Юрак қандай тандир эмас?) Аниқловчи эргаш гапли қўшма гап. 2. Ишқ изтиробли бўлса ҳам, аммо ошиқ бўлиш ихтиёрий эмас. (Нима бўлса ҳам ошиқ бўлиш ихтиёрий эмас?) Тъсиксиз эргаш гапли қўшма гап. 3. Билгинки, ота насиҳати мўътабар. (Нимани билгин?) Тълдирувчи эргаш гапли қўшма гап. Қошинг қаро бўлгунча, кўзинг қаро бўлса-чи. (Нима бўлгунча кўзинг қаро бўлса-чи?) Чоғиштирув эргаш гап.

1. Олтин ерда қолса ҳам, илм ерда қолмайди. Қўшма гап, эргашган қўшма гап. Нима бўлса ҳам, билим ерда қолмайди? Тўсиксиз эргаш гапли қўшма гап.

2. Йўқолган моддий бойликнинг ўрнини тўлдириш мумкин, лекин маънавий бойликдан жудо бўлиш – улуғ фожиа. Зидлов муносабатли боғланган қўшма гап.

3. Шарафлар, шонларга тўлиқ ватаним, Ўлсам айрилмасман кучоқларингдан. Ундалмали содда гап.

4. Хоннинг зулми чунон ошдики, норозиликлар кўзғолонларга айланди. Натижа эргаш гапли эргашган қўшма гап.

5. Гапингиздан маълумки, сиз бу ерга тез-тез келиб турасиз. Эга эргаш гапли эргашган қўшма гап.

6. Тез юринглар, бўлмаса поезд кетиб қолади. Шарт эргаш гапли эргашган қўшма гап. Нима бўлмаса поезд кетиб қолади?

7. Қайрилишлар тобора кўпайиб, машинанинг тезлиги сусая бошлади. Сабаб эргаш гапли эргашган қўшма гап.

БИР НЕЧА ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАР

Эргашган қўшма гап таркибидаги эргаш гаплар бир неча бўлиши ҳам мумкин. Бундай гаплар бир неча эргаш гапли қўшма гаплар дейилади.

Бир неча эргаш гапли қўшма гаплар икки хил бўлади.

1. Тўғридан-тўғри ёки биргалик эргашишли бир неча эргаш гапли қўшма гап. Масалан: Билиб қўйингки, сиз ватанимизнинг келажагисиз, ватан сизни кутади. Уйга келгач, дарсларини тайёрлаб бўлгач, Карим бизникига келди.

Кўпинча эргаш гаплар бир хил турга киради ва ёнма-ён келиб тўғридан-тўғри бош гапга эргашади. Лекин баъзан икки ва ундан ортиқ турга мансуб бўлган эргаш гаплар ҳам биргаликда битта бош гапга эргашиши мумкин. Масалан: Қор тингач, ҳаво шундай совидики, иситилмайдиган уйлардаги сувлар ҳам музлаб қолди (пайт эргаш гап – бош гап – натижа эргаш гап).

2. Кетма-кет эргашишли бир неча эргаш гапли қўшма гап. Бунда бир эргаш гап иккинчи эргаш гапга тобе боғланади. Улар иккаласи биргаликда бош гапга тобе бўлади. Демак, эргаш гапларнинг бири бош гапга тобе, бошқа бири эргаш гапга тобе саналади. Масалан: Мажлис бошлангач, чақирилганлар йиғилмаса, нима қиламиз? Ҳаво иссиқ келиб, майсалар қовжираб қолгач, қўй-қўзилар чўлдан қўчирилди.

АРАЛАШ ТУРДАГИ ҚЎШМА ГАПЛАР

Таркибида камида 3 та содда гап бўлган ва улар бир-бири билан ҳам тенгланиш, ҳам тобеланиш йўли билан боғланган қўшма гаплар аралаш турдаги қўшма гаплар дейилади.

Буларнинг бир неча хусусияти бор:

1. Уларда камида иккита бош гап бўлади.

2. Бош гаплар ўзаро тенг боғланади.

3. Уларда камида 1 та эргаш гап бўлади.

4. Эргаш гап бош гапларнинг бирига ёки ҳар иккаласига тобе боғланади. Масалан: Юрак бақувват бўлса, киши чарчамайди ва иш унумли бўлади. Эргаш гап ўртада келиб бош гапларнинг биттасига боғланиши ҳам мумкин. Масалан: Ҳозир дўконда ун йўқ, олиб келсак, сизга қўнғирок қиламан.

Эргаш гапларнинг сони бирдан ортиқ бўлиши ҳам мумкин. Масалан: Қўнғирок чалингач, дарс бошлангач, мен синфга югурдим, дўстим эса мактабга кетди.

Баъзан биринчи ва учинчи гапларнинг, иккинчи ва тўртинчи гапларнинг эгаси 1 та бўлиши ҳам мумкин. Лекин кесим 1 та содда гапдан кейин келганлиги учун бу ерда 4 та содда гап бор деб ҳисоблаймиз. Улар ҳам аралаш турдаги қўшма гап ҳисобланади (агар бош гап 2 та бўлса, эргаш гап ҳам мавжуд бўлса). Масалан: Оловни қовласанг, ўчади, қўшнингни қовласанг, қўчади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Тошкент. «Ўзбекистон», 1998 й.
2. Каримов И.А. Ҳалоллик ва фидойилик фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. Тошкент, 1994 йил.
3. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Тошкент. «Ўзбекистон», 1994 й.
4. И.Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Тошкент. «Ўзбекистон», 1995 й.
5. И.Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент, 1992 й.

6. Баркамол авлод орзуси. Тўплам. Тошкент, 1999 й.
7. Таълим тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Тошкент, 1992 й.
8. Сафарова С, Мусаев У ва бошқалар. Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим стратегияси муаммолари ва таълим мазмунининг янги моделлари, уларни татбиқ этиш йўллари. «Фан», 2005 й.
9. Таълим тараққиёти. 1-махсус солн УЎТ Давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. Она тили, Адабиёт, Ўзбек тили. «Шарқ», 1999 й.
10. Ладыженская Т.А. Развитие связной речи учащихся на основа учебников IV-VI классов. Русский язык в школе. 1980. 3-сон.
11. Львов М.Р. Речь младших школьников и пути её развития. М. Просвещение. 1975 г.
12. Мадаев О. Иншо қандай ёзилади? Тошкент, 2001 й.
13. Афоқова Н. Иншо ёзишни ўрганинг. Бухоро, 2003 й.